

Маҳалла — инсонни  
жамият билан бирга  
яшашга ўргатадиган,  
шу руҳда  
тарбиялайдиган  
бирламчи ва беқийё  
макондир.

Ислом КАРИМОВ



## МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНING ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кенгайтириш истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда аҳоли ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг олтинчи бўлимида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий кўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар-жойларининг қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

(Давоми 3-бетда.)

2013-yil — Obod turmush yili

## МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН- ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим олиши ҳамда зарур касбларни эгаллаши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастурини оилалар фаровонлигини, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни

мустақамлашга хизмат қиладиган ушбу жараённи кенгайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

Давлат дастурининг еттинчи бўлимида оилани янада мустақамлаш, оила ва жамиятда хотин-қизларнинг роли ҳамда мавқеини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намён этиши ва уй-рўзғор юмушларини енгилаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

(Давоми 5-бетда.)

## СПОРТ ФЕСТИВАЛЛАРИ



Улкан ютуқларга замин ҳозирлайди

Бугунги кунда юртимизда ёшлар, айниқса, қизларни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини мустақам қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, машғулотларни мустақил ҳолда ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмасини

шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аёллар спортини ривожлантириш ва ўсиб келаётган қизларни спортга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тобора ривожланиб, бир қатор мусобақа ва спорт фестивалларининг мунтазам ташкил этилиши аъёнага айланаётир.

(Давоми 15-бетда.)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини шу йил 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунлар ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришни, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришни назарда тутадиган бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий

ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунни ҳам муҳокама қиладилар.

Шу билан бир қаторда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги, Бош прокурорнинг «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати ва уни янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазатига қилиш давлат кўмитасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қиладилар. Сенаторлар ялпи мажлисда адлия вазирининг 2012 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Матбуот хизмати

## СПОРТ КИЙИМЛАРИ ҚИЗЛАРИМИЗГА ЯРАШАДИ

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида спорт билан мунтазам шуғулланаётган ҳамда махсус мактаб интернатлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган қизларга ва дёнримиизнинг олис, чекка худудларида спортни ҳаётининг мазмунига айлантирган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи-қизларга Президент совғаси — спорт кийимларини тантанали топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Юртимизда қисқа фурсат ичида эришилаётган юксак муваффақиятлар мисолида ҳам баркамол авлод тарбиясида спортнинг аҳамияти нечоғлик бекиёс эканини англаш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида республикамизнинг барча худудларида спорт ва жисмоний тарбияни янада ривожлантириш, хусусан, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенгроқ жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида амалга оширилаётган савий-харакатлар, жойларда яратилаётган шарт-шароитлар ўз махсулини бермоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Фарғона, Наманган вилоятларида бўлиб ўтган тадбирларда спорт кийимлар ўз соҳибаларига топширилди. Спорт кийимларини катта севинч билан қабул қилиб олган қизлар ёш авлоднинг бахту камоли йўлида кўрсатилаётган

фамхўрлик учун Президентимизга чексиз миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирларда маҳаллий ҳокимлик,



Ф.АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

### Bolalar sporti

жамоат ташкилотлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЎЗА мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

## БИТИРУВЧИЛАР МАҚСАДИ АНИҚ

бу жиҳат "Касблар фестивали"да яққол намоён бўлди

Жорий ўқув йилида Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 11-умумтаълим мактабининг 9-синфини 76 нафар ўқувчи битиради ва уларга таълимнинг кейинги босқичига йўланма берилади. Айни шу жиҳат эътиборга олинган ҳолда таълим муассасамизда турли хил тадбирлар ўтказилиб, ўқувчиларнинг касблар мазмун-моҳияти ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилмоқда. Жумладан, яқинда ўтказилган "Ким бўлсам экан?" мавзусидаги ишлар танлови ҳам ана шундай амалий тадбирларимиздан бири бўлиб, битирувчилар умумий ўрта таълимдан кейинги ўқиш-ўрганиш мақсадларини белгилаб олганларини кўрсатди. Ота-оналар йиғилишларида "Фарзандингиз ким бўлмоқчи?" мавзусида сўровнома ўтказилгани битирувчиларимизнинг бу борадаги қатъий аҳдларини намоён этди.

Бундан ташқари, яқинда мактаб психологи Шаҳноза Турдибоева ҳамда мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Даврон Қосимов бошчилигида "Касблар фестивали" ўтказилди. Фестивалга ота-оналар, ўз касби билан кадр топиб келаётган турли касб соҳиблари таклиф этилди. Кеча аввалида битирувчилар ўзлари танлаган касблари ҳақида гапириб, айнан ушбу касбни танлашлари сабабини қисқача шарҳлаб бердилар. Шуниси эътиборлики, уларнинг ҳар бир касб ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари аниқ, лўнда ва ишончли.

— Келажгимиз эгаларининг тўғри касб танлашлари учун нafaқат ота-оналар, балки ўз касби билан ҳурмат-эътибор топаётган ишчи-хизматчилар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва фаоллари, қўйингки, барчамиз мас'улмиз, — деди "Ўзбекистон" қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Муқаддам Тўрақулова. — Тўғри, ўқитувчилар ўз ўқувчилари онгига бошланғич синфлардан бошлаб касб сирлари ҳақидаги тушунчаларни чуқур сингдириб, лаёқат ва интилишларини ўргана боришлари керак. Ўқувчиларнинг азму қарорлари билан танишиб, бу борада мактаб ўқитувчи-педагоглари катта ва ижобий ишлар қилаётганига амин бўлдим.

— Кўпгина битирувчиларнинг фермер, механизатор, муҳандис, зоотехниклик каби касбларга жазм этиб туришгани чўлқувар ота-оналари эстафетасини қабул қилишга тайёрланиётганини кўрсатди, — деди "Ўзбекистон" сўвдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси Бахтиёр Абдуқодиров. — Шундай экан, биз деҳқонлар ёшларда ўз касбларимизга меҳр уйғота олганимиздан беҳад хурсандмиз.

Бундай самимий фикрларни тумандаги марказий таъмирлаш устанонаси чилангари Рашид Мирзаев, механизатор Муҳаммад Абдуалимов, чевар Назира Қувондиқова, уста Жамолиддин Ҳожиёв, 35 йил ушбу мактабда ўқувчиларга рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ берган ўқитувчи Келдиёр Боймуродов ҳам билдирди. Моҳир касб усталари билан бўлган суҳбат очик мулоқот ва савол-жавоб тарикасида бўлгани тадбир таъсирчанлигини янада оширди.

Барно БОБОМУРОДОВА,  
шу мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

## АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Словениянинг "Regional Dialogue" ташкилоти ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда ижтимоий аҳамиятга молик ахборот олиш механизмларини янада такомиллаштиришга бағишланган очик мулоқот ўтказилди.

Парламент палаталари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари, журналистлар иштирок этган тадбирда фуқаролик жамияти институт-

лари тизимида ОАВнинг ролини кучайтириш, ижтимоий аҳамиятга молик ахборот олиш механизмларини янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик ва ошқоралигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ахборот хизматларининг ўрни хусусида фикр-мулоҳаза юритилди.

Мулоқот чоғида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари ҳамда ОАВ ўртасидаги самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Дилшод КАРИМОВ,  
"Ma'rifat" мухбири

### Ochiq mulohot

### Matbuot anjumani

## КОЛЛЕЖДА "ФЕРМЕРЛАР МАКТАБИ"

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Фермерлар кенгаши томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва "Ўзпахтасаноат" уюшмаси билан ҳамкорликда матбуот анжумани ўтказилди.

Йиғилишда фермер хўжалиklarининг аҳоли фаровонлигини ошириш, тўкин-сочинлики таъминлашдаги роли ошиб бораётгани далиллар асосида кўрсатиб берилди. Фермерларга яратилаётган қулайлик, шарт-шароитлар ва берилаётган имтиёзлар баробарида соҳа тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил фикр юритилди.

— Кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантиришда, шубҳасиз, малакали кадрларга эҳтиёж сезилади, — дейди Ўзбекистон фермерлари кенгаши ижро аппарати раҳбари вазифасини бажарувчи Тўхта Бозоров. — Айни кунларда таълим ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан ҳамкорликда қишлоқ жойларида жойлашган 154та касб-хунар коллежида "Фермерлар мактаби" фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошлаб юборилди.

Журналистлар томонидан берилган саволларга кенгаш вакиллари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Агробанк" сингари ташкилотлар ҳамда муассасалар вакиллари атрофлича жавоб беришди.

Санобар ЖУМАНОВА



## ЁШ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси методика маркази ташаббуси билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ёш иқтидор эгалари" кенгаши ташкил этилди.

Шайхонтоҳур туманидаги 324-умумтаълим мактабида мазкур кенгашнинг илк аъзоларини аниқлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. 18 фан йўналиши бўйича ўтказилаётган ушбу тадбирда пойтахтимиздаги 11та туман мактабидан 184 нафар ўқувчи ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

— Билими ва одоб-ахлоқи билан тенгдошларига ибрат бўлаётган ўқувчиларнинг намунали ишларини кўрсатиш орқали бошқаларни ҳам бу тадбирга жалб этишни мақсад қилганмиз, — дейди методика маркази директори ўринбосари Н. Шомансурова. — Бугунги танловда ҳар бир фан бўйича билими, фаоллиги билан намуна бўлган ёшлар тенгдошларини ҳам кичик ихтиролар яратишга чорлайди.

Тадбир якунида 60 нафар ўғил-қиз кенгаш аъзолигига қабул қилинди.

Ш.БОЙМУРОДОВА  
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

### Tadbir



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлат дастурини бажариш доирасида маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг қўламли ишлар изчил давом эттирилади. Шу мақсадда «Замонавий маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилади, мавзе ва маҳаллалардаги йўллар ва кўчаларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг тақши ёритиш тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлаш дастури тасдиқланди. Намунавий лойиҳаларга мувофиқ яқка тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар, биноларнинг олд қисмини ва томларини таъмирлаш, маҳаллалар ҳудудидagi ирригация ҳамда дренаж тизимларини янгилаш кўзда тутилган. Кўчалар ва йўлақлар замонавий услубда таъмирланади, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланади. Ававал қурилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш режалаштирилган. Мини-футбол, баскетбол ва волейбол машғулоти учун спорт майдончалари кўпаяди.

2013—2015 йилларда кўкаламзорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Маҳаллалар ичидаги кўчалар бўйларига ва махсус ташкил этиладиган «яшил» ҳудудларга ҳар йили 15 миллионга манзарали ва 29,5 миллионга мевали дархат, шунингдек, 10 миллионга бута ҳамда гул кўчатлари экилади. Буларнинг барчаси дам олиш, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Турар-жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, узоқ туманлардаги маҳаллаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳам белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ушбу муҳим ишларнинг аксарияти Давлат дастурида режалаштирилган қишлоқ жойларда ижтимоий инфрату-

зилмани яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳаси орқали амалга оширилади. Бу ишларга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

Одамлар, айниқса, болалар ва ёшларнинг интеллеktуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратилган ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги клуб муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш орқали 2013—2018 йилларга мўлжалланган Маданият, санъат ва аҳолининг дам олиш марказларини ташкил

қилиш бўйича жаҳон амалиётида синондан ўтган услублар жорий этилади. Тошкентда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Кейинчалик бундай лойиҳалар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади, бу борада тегишли ҳудудий дастурлар қабул қилинади. Чунончи, уларнинг биноларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, компьютер ва бошқа техника воситалари,

## МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

этишга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил қилиш, халқ ижодиётини ривожлантириш, маданият муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида 2013—2015 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтиришга доир белгиланган комплекс тadbирлар шаҳарлар ҳамда маҳаллалар ҳудудларида санитария-экологик вазиятни янада яхшилашга қаратилган. Чиқиндиларни йиғиш бўйича фаолият кўрсатаётган пунктларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, замонавий контейнерлар билан жиҳозлаш, шунингдек, махсус техника паркинги мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар ҳисобидан янгилаш шулар жумласидандир. Маиший чиқиндиларни йиғиш, транспортировка ва утилиза-

ция бўйича таъмирлаш, янги маҳалла гузарларини ташкил этиш ҳамда уларга тўташ ҳудудларини ободонлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, яшаш жойида маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тadbиркорларга солиқ имтиёзларини бериш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Бу эса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Ёрдамга, меҳр-мурувватга муҳтожлар ҳақида гамхўрлик қилиш халқимизга хос азалий фазилатлардан бўлиб, истиқлол йилларида улар янада ривожланмоқда. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат тузилмаларидан ташқари жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Обод турмуш йили» Дав-

### 2013-йил — Obod turmush yili

лат дастурини амалга ошириш доирасида оилалар, болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади ва болани вояга етказиш бўйича ижтимоий нафақалар тўланади. Қаровга муҳтож ёлғиз қариялар ҳар ой тегишли моддий ёрдам олади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга кузқиш мавсуми арафасида уйла-

она» фототанлови, шунингдек, «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Энг намунали диний таърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Намунали профилактика но-зир» каби қўриқ-танловлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш амалга оширилаётган кенг қўламли ишлардан жаҳон ҳамжамиятини кенг хабардор қилиш мақсадида 2013 йилда маҳалла институтининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи ҳақида ҳужжатли фильм, халқимиз бирлиги ҳамда аҳилигини, жамиятимизда тинчлик-тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильмни суратга олиш режалаштирилган. Ушбу мавзуга бағишланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» номли китоб, «Жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак» мавзусида илмий-оммабоп рисола чоп этилади.

Муҳтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жабҳада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, бу жараёнда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг маҳалла каби муҳим институтлари ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎЗА



### ОТА-ОНАЛАР МАКТАБДАН МАМНУН

Пойтахтимизнинг 298-мактабда «Таълим-тарбия — тараққиёт мезонидир» мавзусида бўлиб ўтган касблар фестивалида иштирок этган ота-оналар уйга мамнун ҳолда қайтдилар. Фарзандларининг касб-хунар танлаши учун мактаб жамоасининг яқдил иш олиб бораётгани, ўқитувчи психологларнинг жўяли маслаҳатлари ота-оналар кўнгилни хотиржам этди.

Тadbир аввалида мактаб битирувчилари томонидан тайёрланган кўл меҳнати маҳсулидан иборат кўргазма намойиш этилди.

Шундан сўнг синф раҳбарлари ва психологлар таълим муассасида касбга йўналтириш ишларининг олиб борилиши, битирувчи синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ташкил этилаётган «Очиқ эшиклар куни» тadbирлари хусусида гапириб ўтдилар.

Тadbир давомида ўқувчилар касблар олами асосида саҳна кўринишлари ҳам намойиш этдилар.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

## Yangiliklarda yurt nafasi



Navoiy davlat konchilik institutida oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik ta'minoti ni mустахкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасида эришилган ютуқлар ва истиқбол режалари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олий Махлус Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мазкур партия, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Давра суҳбатида олиы та'лим муассасалари моддий-техник базасини мустахкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар юкори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Бу борадаги истиқбол режалари юзасидан соҳа мутахассислари ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Тошкент шаҳрида "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди.

"Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ва "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилаётган «Йил аёли» аънавий миллий танлови, «Хаёт учун!» хайрия форум-марафони, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид грант дастурлари, турли ижтимоий акциялар хотин-қизлар соғлигини муҳофазалаш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқариш, тадбиркорликка оид лойиҳаларини ҳаётга изчил жорий этиш имконини бермоқда.

Тадбир доирасида тасвирий ва амалий санъат намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди. Бир гуруҳ фаол хотин-қизларга байрам совғалари топширилди. Санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Самарқандда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан фаол аёллар, истеъдодли қизлар ва кам таъминланган оила вакиллари-нинг вилоятдаги тарихий обидалар ва кейинги йилларда бунёд этилган замонавий иншоотларга саёҳати уюштирилди.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад аёлларни юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар билан яқиндан таништиришдан иборат. Чунки улар ўзлари яшаб турган ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлибгина қолмай, вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларидаги ўзгаришлардан ҳам етарли даражада хабардор бўлишлари лозим. Шунинг учун саёҳатга чиққан хотин-қизлар таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари, намунавий лойиҳа асосида қурилган ўй-жойларда бўлиб, аҳоли учун яратилган турмуш шaroитлари билан танишдилар. Тадбиркор аёллар фаолияти, истеъдодли қизларнинг ташаббус ва интилишлари билан қизиқиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

"Истиклол" санъат саройида "Марду майдон!" жонли ижродаги кўшиқлар фестивали совриндорлари ва таникли санъаткорлар иштирокида "Дилларда Ватан мадҳи" деб номланган концерт ўтказилди.

Концерт "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ушбу ижодий беллашувда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этди. Унинг асосий шarti – кўшиқларни фақат жонли ижрода қуйлашдан иборат бўлиб, эстрада, аънавий ижрочилик ва академик хонандалик йўналишлари бўйича ўтказилмоқда.

Концерт давомиде ижрочи ўз репертуари, халқ мумтоз мероси ва жаҳон классикаси намуналаридан иборат уч асарни ижро этди. Фестиваль совриндорлари ижросини баҳолашда маҳорат ва услуб, овоз имкониятлари, тақдим этилган муסיқий асар матнининг мукамаллиги ва таъсирчанлиги, бадийи образларга бойлиги каби мезонлар воитасида аниқланди.

Концертда Ватан, истиқлол, тинчлик-осойишталик, баҳор, меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи кўшиқлар ижро этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

## Тажрибали синф раҳбарлари аниқланди

Яккасарой туманидаги 18-болалар муסיқа ва санъат мактабида «Йилнинг энг яхши синф раҳбари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ушбу танлов Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси томонидан ҳар томонлама етук, маънавий ҳамда жисмоний соғлом шахсни тарбиялашда синф раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш, ташаббускор ва илгор педагогларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди. Танловнинг мактаб босқичида 5274 нафар синф раҳбари иштирок этган бўлса, январь ойида ўтказилган туман босқичларида 290 нафарга яқин тажрибали педагог ўзаро беллашди. Шаҳар босқичида 9 нафар илгор синф раҳбари тўрт шарт — ўқувчилар ўртасида олиб борган ишлари, ўқитувчининг тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид яратган концепцияси, намунавий тарбиявий соат ва муаммоли вази-ятни ҳал этиш бўйича куч синашди.

— Фарзандларимиз таълим-тарбиясида синф раҳбарларининг ўрни беқиёс. Шу боис уларнинг малакасини ошириш, тажрибасини бойитиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси мутахассиси Замира Азимбоева. — Танлов жуда қизгин кечди. Учинчи турда иштирокчиларга қуръа ташлаш орқали тарбиявий соат мавзуси ва синф белгилаб берилди. Иштирокчилар бу шартни ҳам намунали адо этишди. Айниқса, Гавхар Умурзоқова томонидан ташкил этилган «Касбим — фаҳрим» мавзусидаги ноанъанавий тарбиявий соатга ижодкор, психолог, шифокор ва маҳалла фаолларининг кенг жалб этилгани дарсинг машурдорлигини оширди. Тўртинчи турда иштирокчилар ўқувчилар билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида юзага кела-



ётган муаммоларни 7 дақиқалик саҳна кўриниши орқали кўрсатиб беришар экан, санъаткорлик маҳоратини ҳам намоеён этишди.

Танлов якунига кўра, Олмазор туманидаги 326-умумтаълим мактабининг биология фани ўқитувчиси Гавхарой Умурзоқова «Йилнинг энг яхши синф раҳбари», деб топилди. Шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси Дилноза Мақсудова ва Сергели туманидаги 300-мактаб ўқитувчиси Мархабо Курбонова 2-ўринни, Юнусобод туманидаги 313-мактаб вакили Мухайё Хидоятова, Яккасарой туманидаги 26-мактаб вакили Мунисхон Юсупова 3-ўринни кўлга киритди.

Моҳичехра ЛАТИПОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

Бурҳон РИЗО олган сурат.

## Тарғибот масаласи муҳокама қилинди

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида "Оммавий ахборот воситаларида палата фаолиятини ёритиш масалалари ва истиқболдаги режалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирнинг видео-конференция шаклида ташкил этилгани палатанин худудий бошқармалари вакиллари билан мулоқот ўрнатиш имкониятини яратди.

Анжуманда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорликни ривож-лантириш борасидаги ишларни амалга ошириш ва ахборот

технологияларини амалиётда кенг қўллашга катта эътибор қаратаётгани таъкидланди, со-ҳадаги муаммо ва камчилик-ларга ҳам тўхталиб ўтилди. Ху-лусан, палата фаолиятини марказий ОАВ — телевидение,

радио, газета ва интернет сайтлари орқали ёритиш иш-ларини янада жонлантириш лозимлиги айтиб ўтилди, си-фатли теле ва радио ролик-лар, адабиётлар ҳамда тарғи-бот воситаларини тайёрлаш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олин-ди.

Дилроз АБРАЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## Китоблар муҳокамаси

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёшлар ижоди, "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида чоп этилган китоблардаги ютуқ ва камчиликлар устоз шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар билан биргаликда муҳокама қилинди.

Анжуман аввалида "Маҳоратни қандай ошириш керак?", "Ҳақиқий ижодкор қандай бўлиши лозим?" каби мавзулар юзасидан устозларнинг маслаҳат, тавсиялари тингланди.

— Наср йўналишига қўл урган ёш ижодкор-

ларда тарихни чуқур билмаслик, баёнчиликка берилиб кетиш каби баъзи камчиликлар кўзга ташланди, — дейди адабиётшунос Ис-лол Ёқубов ёшлар ижодини таҳлил қилар экан. — Бу борада устоз-шогирд аънавансини кучайтириш, ёшларга кўпроқ мумтоз адабиётни чуқур ўргатиш лозим.

Бу каби анжуманлар ёшларнинг ўз устида ишлаши, янгилликка интилиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
«Ma'rifat» мухбири

## Фаоллар муносиб тақдирланди

Учтепа туманидаги 245-мактабда фан ойлиги доирасида математика ва информатика фанлари бўйича намуна-вий дарс ишланмалари ва деворий газеталар тайёрланиб, ўқув семинарлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, ўқувчилар "Энг яхши очик дарс", ўқувчи-қизиқшини ошириш мақсади-да фан ўқитувчилари ўртасида "Математика ва информатика зукколари" тадби-

ри ўтказилди. Ижодий ишлар-дан кўргазмалар ташкил этил-ди. Фан ойлигида фаол ишти-рок этган ўқитувчи ва ўқувчилар муносиб рағбатлантирилди.

Саодат ЯКУБОВА,  
математика фани  
ўқитувчиси

## Ўқитувчиларни ижодкорликка ундади

Сергели туманидаги 6-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган математика фани ойлигининг якуний фестивалида барча фан ўқитувчилари томонидан ой-лик давомида амалга оширилган ишлар муҳо-кама этилди.

— Фан ойлиги ўқувчилар-нинг bilim сифатини оширишга замин ярат-ди. Очик дарслар, қизиқарли беллашув ва викториналарда ўқувчилар фаол қатнашди-лар. Қолаверса, педагоглар учун ҳам бу фан ойлиги ижодкорлик ва рақобат муҳитини яра-

тида 300, 277, 301, 7-умумтаълим мактабла-рида фан ойлиги тадбирлари мазмуни ўтка-зилди, — дейди туман халқ таълими муасса-салари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг аниқ фанлар методисти Барчиной Махдумова.

Фестивалда «Энг яхши мен-тодбирлашма раҳбари», «Энг яхши очик дарс», «Энг яхши фан хонаси», «Энг яхши ўқувчи» но-минацияси ғолиблирига фахрий ёрлик топ-ширилди.

Х.КУЗМЕТОВА

Yakun



# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жамиятимизда аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, жисмонан соғлом, маънавий етуқ, баркамол ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни бекиёсдир. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу муҳим институтни мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013 йилда "Ёш оилалар учун тураржой" дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Худудларда банклар томонидан кўп қаватли тураржойларни қуриш учун кредит маблағлари, ёш оилаларга эса ушбу тураржойларни сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аҳолига ипотека кредитларини ажратиш янада кенгайди.

Давлат дастурида хотин-қизлар тadbirkorligini хар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга доир комплекс чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, асосан хотин-қизлар ишлайдиган ва раҳбарлик қиладиган кичик корхоналарга имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Шунингдек, сут ҳамда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун ҳам имтиёзли кредитлар ажратилади ва бу оилавий бизнесни ривожлантириш учун катта рағбат бўлади. Тадбиркор хотин-қизлар бошланғич капитални тўлдирини учун, фермер хотин-қизлар, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юр்தларининг, айниқса; қишлоқ жойларда ўз ишсини

бошлаш истагидаги битирувчи қизлар ҳам имтиёзли кредитлар олиши мумкин. Бундан ташқари, маҳаллаларда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш учун спорт-соғломлаштириш залларини ташкил этишда ҳам шундай молиявий ёрдам бериш кўзда тутилган. Тижорат банклари мутахассислари билан ҳамкорликда имтиёзли кредитлар олиш тартиби ва шартлари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади.

"Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тadbirkorlik фаолияти ҳақида жалб қилиш" лойиҳаси ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган. Уни амалга ошириш давомида 5 минг нафарга яқин фермер аёл ва тadbirkorга имтиёзли микрокредитлар ажратилиши билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 6 минг нафар хотин-қизнинг бизнес кўникмалари ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш бўйича туркум тренинглари ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг қатор туманларида хотин-қизлар учун мақсадли таълим дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай машғулотлар пайтида улар иқтисодий билимини ошириб, бизнес-режалар ишлаб чиқишни ўрганади. Шу

билан бирга, оила бюджетини шакллантириш ва тadbirkorlik фаолияти қўникмаларини эгаллаш бўйича "Ўз оилавий келажакини режалаштириш" мавзусида тренинглари ташкил этилади. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш, фарзандлари бор ёш аёлларни 12 турдаги касб-хунарга ўқитиш бўйича ҳам тренинглари ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу барча лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, авваламбор, қишлоқларда яшаётган хотин-қизларда фаол ҳаётини шакллантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг ўзимизда ишлаб чиқарилган ва узоқ мuddат фойдаланиладиган машиний техника ҳамда товарларини харид қилиши учун истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 марта кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса оилалар фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, жумладан, хотин-қизларнинг уй-ўзғор юмушларини енгиллаштириш, қўндалик ҳаётини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш доирасида жорий йилда ижтимоий ёрдамга муҳтож турмуш қураётган ёшларга никоҳ тўйларини

ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг ижодий ва ишбилармонлик салоҳиятини хар томонлама ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида алоҳида гамхўрлик кўрсатмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу мукофотга ўқиш, ижодий ва ижтимоий ҳаётда улкан муваффақиятларга эришаётган қизлар сазовор бўлмоқда.

Давлат дастурида иқтидорли ва фаол хотин-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, уларнинг серкирлик қобилиятини янада кенг рўёбга чиқариш учун қатор тadbirkorlik режалаштирилган. Бу борада аънамага айланган "Йил аёли" миллий танлови, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари республика форуми ўтказилади, уларнинг шеърини тўпламлари чоп этилади. Иқтидорли ёш оила хотин-қизлар ва илмий тadbirkorlik ўртасида «Илм юлдузлари» танловини ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда юксак маънавиятлик, ўз саломатлиги учун масъулиятли баркамол ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан жорий йилда болалар, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тиббий маданият, со-

лом турмуш тарзига риоя қилиш, экологик тарбия, оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича тушунтириш ишлари қўйилди. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида "Ораса қизлар" тўғрақлари фаолияти кенгайтирилади. Энг яхши натижа кўрсатган қизлар шу номдаги республика танловида қатнашади.

Давлат дастурида хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш вази-рларини ҳам белгиланган. Масалан, жорий йилда 189 минг нафар қизга уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида спорт кийимлари ва анжомлари бепул тақдим этилади.

Ушбу барча чора-тадбирлар истиқлол йилларида жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқени ошириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш борасида амалга ошириб келинаётган комплекс ишларнинг мантиқий давомидир. «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ривожланиши, барча жабҳаларни модернизация қилиш ҳамда янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, хар бир оилادا фаровонлик ва умуман, юртимиз равнақини юксалтириш бўйича яратилган механизм самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

ЎЗА

## ТАРИХ — ТАРБИЯЧИ

Ilmiy-amaliy seminar

Ёшларимизда юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, замонамиз қаҳрамонлари ҳақида тасаввур уйғотишда қиммат қандай вазибаларни адо этмоқда? Тарихнинг энг ёрқин кўнралига айланган воқеа-ходисаларни ёшларга тушунтиришнинг самарали усуллари яратилганими? Албатта, бу каби саволлар ёшларга тарих фанидан сабоқ берувчи ўқитувчилар, тарихчи олимлар олдида турган масъулиятли вазибалар нималардан иборат эканлигини маълум маънода ойдинлаштиради. Ана шу мақсадда Олий ва ўрта махсус таълим вазири ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши ва Мувофиқлаштирувчи-методик марказ ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўқитишнинг методологик масалалари" мавзусидаги республика илмий-амалий семинарида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим тизимида энг янги тарихимизни ўқитиш муаммолари юзасидан мутахассислар ўзаро фикр алмашиш, аниқ тақлифлар билдиришди. ТДПУ "Тарих ва ижтимоий фанларни ўқитиш методикаси" кафедраси мудири Гавхар Фузаилова яратилаётган энг янги усуллар, эришилаётган ютуқлар

ва муаммолар хусусида тўхталиб, шундай деди:

— Биз бўлажак ўқитувчиларни тайёрлар эканмиз, талабалар нимани, қандай қилиб ўқитишни ва энг самарали ўргатиш усуллари хозирданок пухта ўзлаштириш керак. Бунинг учун биз мутахассислар аввало шундай методикаларни яратиш, амалиётга татбиқ этишимиз зарур.

Ана шундай таълим технологиялари ҳақида гап кетганда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Мухаммаджон Қуроновнинг Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўқитишда «Case study» технологиясида фойдаланиш бўйича билдирган фикрлари амалиётчиларда қизиқиш уйғотди. Мисол учун, «А пунктдан В пунктгача бўлган масофа 300 км. Йўловчи уни 50 км/соат тезлик билан қанча вақтда босиб ўтади?» деган мисол берилса ҳам, ўқувчи топшириқни бажаради. Бирок, «Тошкент билан Самарқанд орасидаги масофа 300 км. Агарда «Афросиёб» поезди ўртача 150км/соат тезлик билан ҳаракатланса, Самарқандга қанча пайтда етиб боришингиз мумкин?» деган вазифа берилса, бола бу мисолни ечиш учун жон дили билан қизиқиш ҳаракат қилади. Худди шунингдек, бугунги тарихий ўзгаришларни ўқувчиларга ўргатишда ҳам «Case study» усулида

билим беришнинг афзаллик жиҳатлари кўп.

Ҳақиқатан ҳам, кенг қамровли билим ва замонавий технологияларни қўллаган ҳолда дарс ўтиш техникасини чуқур ўзлаштирган ўқитувчилар атрафда бўлаётган ўзгаришларни ўқувчиларга мисол ва далиллар билан тушунтириш, улар маълумотларини ўзлаштиришга қўйналмайди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттириш асосида эса қадимги ва бугунги тарихимизни солиштирилади, қиёсий таҳлиллар қилишга салоҳияти етди. Бунинг учун ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун ҳам Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича ўқув-услубий адабиётлар етишмаслигига амалий ечим топиш керак. Ушбу масалада Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ бўлим бошлиғи Акбар Замонов коллеж ва академик лицейлар учун "Ўзбекистон тарихи (Ўзбекистоннинг энг янги тарихи)" ўқув-услубий мажмуасини тайёрлаш бўйича лойиҳани тақлиф этди. Ўқув-услубий мажмуа бир курс бўйича ўқитувчи ва ўқувчи учун мўлжалланган ҳамда ягона мазмун асосида бирлаштирилган материаллар мажмуи сифатида намоён бўлади. Унинг марказий элементини дарслик таш-

кил этиб, бошқа гуруҳ адабиётлар (услубий қўлланмалар, машқ дафтери, дидактик материаллар, ўқув кўргазмалари қўлланмалар ва ҳ.к.) дарсликни методик жиҳатдан тўлдирди. У ўқув дастурларининг амалга оширилишини таъминловчи қўлланмалар, дидактик материаллар, услубий адабиётлар ва аудиовизуал ўқув воситаларини ўз ичига олади. Лойиҳанинг афзалликлари ҳақида Акбар Замонов шундай дейди:

— Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича тайёрланадиган мажмуа куйидаги тарихий қисмлардан иборат бўлади: ўқув дастури, дарслик, ўрта махсус, касб хунар таълими тизими ўқитувчилари учун ўқув-методик қўлланма, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича хрестоматия, харита, ўқув фильми, тестлар тўплами, электрон дарслик, аталар лугати, тарихий саналар хронологияси. Ана шундай мукамал ўқув-услубий мажмуа яратилганда, ўқитувчилар методик жиҳатдан муаммоларга учрамаслиги тайин.

Семинар умумтаълим мактабларида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи курсини мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан махсус курс сифатида ўқитиш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди.

Насиба ЭРХОНОВА,  
«Ma'rifat» мухбири

Педагоглар орасида «Таълим бериб тарбиялаймиз, тарбиялаб таълим берамиз» деган ибора кўп такрорланади. Мактабларда тарби-  
вий соатнинг жорий қилиниши ана шу мақсадга муштаракдир. Ҳар  
ҳафта ўтиладиган тарби-  
вий сабоқлар ўқувчи хулқ-а-  
творидаги кем-  
тикликларни тўлдириб, нуқсонларини тўғрилашга хизмат қилади.

Сир эмаски, кўпинча тарби-  
вий соатларда қайсидир ўқувчининг хулқи му-  
хокамага қўйилади, давомат ёки бош-  
қа ташкилий масалалар кўрилади. Бу-  
лардан ҳам кўз юмиш керак эмас. Ле-  
кин тарби-  
вий соатнинг муайян мо-  
дий ва маънавий эҳтиёжларни қонди-  
ришга хизмат қиладиган, ягона ижти-  
моий тарби-  
вий мақсадга йўналтирил-  
ган ўзаро таъсирлар мажмуи эканини  
унутмаслик лозим. Синф раҳбари бу  
борада ҳам аниқ иш режасига эга бўли-  
ши, мавзуларга ёндашишда қизиқарли  
усуллардан фойдаланиши за-  
рур.

Тарби-  
вий соатни ташкил  
қилишда ўқувчиларнинг психо-  
физиологик хусусиятларини  
этиборга олиш, дарс усул-  
ларини тўғри танлаш, интерак-  
тив топшириқлардан фойдала-  
ниш, ўқувчиларни муаммолар-  
нинг ечимини топишга йўнал-  
тириш, якуний хулоса чиқаришга эъти-  
бор қаратиш лозим. Ўқувчиларни эр-  
кин фикрлаш, бир-бирини қўллаб-қув-  
ватлашга ўргатиш, синфда дўстона му-  
ҳитни яратиш ҳам муҳим аҳамият касб  
этади.

Тарби-  
вий соатларни ташкил этиш  
тартиби ва усуллари турлича бўлиб,  
синф раҳбари мақсадга мувофиқини

ларни жамоат жойларида ўз фикрини  
ифода қилиш, одоб-ахлоқ қоидалари-  
га риоя этишга ўргатиш.

**Методлар:** гуруҳлар билан ишлаш,  
ижтимоий вазиятни таҳлил қилиш ва  
хоҳсоа. Ижтимоий вазият ўқувчилар  
ҳаётидан олинган бўлса, мавзу муҳока-  
масида мақсадга эришиш осонлашади.

**Регламент:** ташкилий қисм — 10  
дақиқа; ўқувчиларни фаоллаштириш —  
10 дақиқа; ижтимоий вазиятни тинг-  
лаш, таҳлил қилиш — 15 дақиқа; ўқув-  
чилар фикрини умумлаштириш ва  
уларни рағбатлантириш — 10 дақиқа.

## СЎЗЛАШИШ ОДОБИ

тарби-  
вий соатларда ўқувчиларнинг муомала  
маданиятини шакллантириш хусусида

**Жихоз:** ўқувчиларни фаоллаштирув-  
чи саволлар қарточкаси, ижтимоий ва-  
зият акс этган кичик хикоялар, ибрат-  
ли ҳикоятлар ёзилган тарқатма мате-  
риаллар.

Ўқувчиларни фаоллаштирадиган  
саволлар мавзудан келиб чиққан  
ҳолда қуйидагича бўлиши мумкин:

1. «Сўзлашув» деганда нимани ту-

қандай фойдала-  
ниш керак?

5. Сизнинг  
ёшингиздаги ўқув-  
чиларга мобилъ те-  
ле-  
фони керакми?

6. Бир кунда  
қанча вақт теле-  
фонда гаплашасиз?

Тарби-  
вий соатнинг ижтимоий  
вазиятни таҳлил  
қилиш қисмида қуйидаги ҳикоя ўқиб  
берилади:

### Синф раҳбарлари учун

#### Автобусдаги вазият

Ораста кийиниб, мактаб сумкаси  
такиб олган, бир қарашдаёқ киши  
ҳавасини келтирадиган қизнинг теле-  
фондаги сўхбати йўловчилар диққа-  
тини тортди:

— Алло, привет, мам! Ҳа, бора-  
ял-  
ман. Уф, яна шу гапми? Не ҳачу-у,  
ўша қўйлаки ўзингиз кийинг, ладно,  
тогда эртага мактабга бормайман, —  
дея қиз аламзадали билан телефони-  
ни ўчириб қўйди.

Қизнинг онаси билан сўхбатини де-  
ярли борча эшитди. Баъзилар бош  
чайқаб норозилигини ифодалашди. Ўз  
«юмуш»и билан банд тўрт-беш нафар  
йигитча (уларнинг ҳам ёши ҳалиги қиз  
қатори бўлса керак) бунга аҳамият  
ҳам беришмади. Чунки улар телефони-  
да ниманидир томоша қилиб, бақи-  
риб қулишар, сўжинишар эди.

Йигитчаларга яқинлашиб, панд-на-  
сихат қилишга қўйиб ўрнидан тур-  
ган эдим ҳамки, мендан сал олдин-  
роқда ўтирган катта ёшли эркек киши-  
нинг «Мен сенга нима дедим, йўлда-  
ман. Ўзим телефон қиламан, тушуна-  
санми-йўқми?!» деган бақирини бола-  
ларнинг қийқириқларини ҳам босиб  
кетди...

Ўқувчилар уч гуруҳга ажратилиб,  
автобусдаги уч вазият муҳокама учун  
берилади. Гуруҳлар қуйидаги жадвал-  
ни тўлдириб, тақдиротини ўтказади.

Вазиятлар	Менга маъқул	Маъқул эмас	Изоҳ
Кизнинг муомаласи			
Болаларнинг ўзини туттиши			
Катта кишининг кўрслиги			

№	Муаммо	Сабаби	Ечими
1.	Сўзлашув маданиятининг бузилиши		
2.			

Ўқувчилар жадвал билан ишлаб  
бўлгач, ўқитувчи қуйидаги саволлар  
билан мувоҳаза этади:

1. Сиз ҳам автобусда ўзингизни шундай тутасизми?
2. Одамнинг ташқи қиёфаси билан ички маданияти мос келиши керакми?
3. Бир неча тилларни аралаштириб гаплашишга қандай қарайсиз?
4. Соф адабий тилда гаплашиш қийинми? Бунга қандай эришилади?
5. Нутқ бадийлигини оширишда бадий адабиётлар мутолааси қандай ўрин тутайди?

Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрлари-  
ни йўналтириб, тўлдириб боради.  
Ҳикояда келтирилган уч вазиятдаги  
муаммолар аниқланади ва ечимини  
ҳақиқат билдирилган фикр-мулоҳаза-  
лар умумлаштирилади.

Тарби-  
вий соат якунида ўқитувчи  
бутун дарсни қисқача хулосалайди.  
Бунда буюк мутафаккирларнинг ҳик-  
оятларидан фойдаланиш мумкин:

«Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз  
ҳолини,  
Кўрма ким дер они, кўргилким,  
не дер».

Алишер Навоий

«Нодон киши лашкар ногора-  
сига ўхшайди: овози баланд-у, ичи  
бўм-бўш».

Саъдий Шерозий

Хулоса қилиб айтганда, тарби-  
вий соатларга иккинчи даражали дарс си-  
фатида қараш ярамайди. Аксинча, бу  
сабоқларни ўзимиз учун қўшимча им-  
коният деб қабул қилишимиз, ноанъ-  
анавий усуллардан фойдаланган  
ҳолда энг қизиқарли дарслардан би-  
рига айлантиришимиз зарур.

Наргиза ИСМАТОВА,

Республика таълим  
марказининг  
ижтимоий-иқтисодий  
билим асослари ва  
маънавий-маърифий  
ишлар бўлими бошлиғи



танлаб олиши зарур.

Қуйида 8-синфга мўлжалланган  
бир соатлик дарс ишланмасини  
этиборингизга ҳавола этамиз.

**Мавзу:** Сўзлашиш одоби ва нутқ  
маданияти.

**Тарби-  
вий соат мақсади:** ўқувчи-

шунаси?

2. Телефонда гаплашиш билан  
юзма-юз сўзлашувнинг фарқи ва  
умумий жиҳатлари нимада?

3. Жамоат жойларида қандай  
сўзлашган маъқул?

4. Мобил телефондан қаерда

### Maxsus ta'lim

Мамлакатимизда кам  
таъминланган оилалар  
ҳамда ижтимоий муҳофа-  
зага муҳтож шахслар ало-  
ҳида ғамхўрлик ва эъти-  
бор қуршовида бўлиб,  
уларнинг турмуш шароити  
яхшилаш, билим  
олиб, ҳунар эгаллаши  
учун ҳукуматимиз томони-  
дан етарлича имконият-  
лар яратилмоқда.

Шўрчи туманидаги 122-  
сонли қар ва кўзи оғир бо-  
лаларга ихтисослаштирилган  
давлат таълим муассасаси-  
даги мавжуд 45та синф за-  
монавий асбоб-ускуна ва  
техник мосламалар билан  
таъминланган. Ўқувчилар  
махсус китоблар ёрдамида  
таълим олиш билан бирга,  
«Зардўзлик», «Дурадгорлик»,  
«Тикувчилик» тўғрақлари  
орқали касбга йўналтирил-  
моқда. Кўп йиллик тажриба-  
га эга устоз-мураббийлар  
тўғрақ машғулотларини  
бола хоҳиш ва иродасига  
қараб мунтазам ташкил этиб  
қилишади. Мактабда санъат-

га қизиққан ёшлар учун «Гул-  
чечак» рақс дастаси фаоли-  
ят юритиб, заиф эшитувчи  
болалар миллий рақслари-  
мизни кунт билан ўргана-  
пти.

— Ўқувчилар соғлигини  
назоратга олиш мақсадида  
махсус тиббиёт хонаси очил-  
ган, — дейди муассаса ди-  
ректори Фахриддин Раупов.

— Уч нафар олий тоифали  
шифокор ва олти нафар ҳам-  
шира тарбиячилар бу ишга  
камарбаста. Болалар ҳар  
олти ойда чуқурлаштирилган  
тиббий кўриқдан ўтказилади.  
Мактабда муҳташам спорт  
зали мавжуд. Тарбияланув-  
чиларнинг спортга меҳри ба-  
ланд. Улар шахмат, шашка,  
бадий гимнастика, енгил  
атлетика, футбол, волейбол,  
тенис билан мунтазам шу-  
ғулланмоқда. Халқаро спорт  
мусобақаларида ўқувчилари-  
миз олтин, кумуш ва бронза

медаллари билан тақдирлан-  
ган.

— Эшитиши ва нутқида  
нуқсонли бор ўқувчиларнинг  
сезги органлари кучли бўла-  
ди, — дейди директорнинг  
ўқув ишлари бўйича ўринбо-  
сари Хадича Эсонова. —  
Уларга расм, рангли альбом  
ва бошқа кўргазмалар воси-  
талар ёрдамида дарс ўтила-  
ди. Муассасамизда тўғма  
карлар билан бир қаторда  
ҳаёт давомида ушбу даргда  
йўлиққан болалар ҳам қабул  
қилинади. Уларга махсус  
паратлар қўлланилади. Лаб  
билан ўқиш методикасини  
ўргатамиз. Умумий ўрта таъ-  
лим мактабларида синаб  
кўрилган «Зинама-зина»,  
«Ўйла, изла, топ» сингари  
интерфаол усулдаги ўйин-  
ларни соддалаштирган ҳолда  
тақдим этиб, ўқувчиларни  
фанга, касбга қизиқтира-  
миз. — Даргоҳимизда устоз-

шогирд аънаси кенг йўлга  
қўйилган. Тажриба ва мала-  
кага эга устоз ўқитувчилар-  
га ёш мутахассислар бирик-  
тирилган, — дейди директор-  
нинг ўқув ишлари бўйича  
ўринбосари Хадича Жаббо-  
рова. — Ҳар бир ўқувчи ало-  
ҳида эътиборга муҳтож  
бўлиб, ўқитувчидан юксак  
масъулият талаб этилади.  
Ўқувчиларга кўпроқ касб  
сирларини ўргатишнинг  
ўзига хос усулларидан фой-  
даланамиз. Дарслар жисмо-  
ний машқлар асосида олиб  
борилади.

Мактабда «Маънавият со-  
атлари» ҳам намунали таш-  
кил этилиб, халқимизнинг  
бой маданияти, урф-одатла-  
ри тарбияланувчилар онгига  
сингдирилмоқда. «Маънави-  
ларим билан жуда аҳил ва  
инқомиз, билмаганларимни  
улардан ўрганаёйман. Кела-  
жадаги орзум — ўқитувчи  
бўлиш.

Педагогик жамоанинг  
саъй-ҳаракатлари натижаси-  
да йигирма уч нафар ўқув-  
чининг аҳоли анча ўнлан-  
гани инобатга олиниб, ин-  
қолизи таълим олиш учун ту-  
мандаги 33-умумтаълим мак-  
табига юборилди.

— Мен тенгдошларим син-  
гари 33-мактабда ўқиш ва  
ёзиш сирларини мукамал  
ўрганиб олдим, — дейди Со-  
ҳиба Сууюнова. — Синфдош-  
ларим билан жуда аҳил ва  
инқомиз, билмаганларимни  
улардан ўрганаёйман. Кела-  
жадаги орзум — ўқитувчи  
бўлиш.

Жисмоний имконияти чек-  
ланган бола жаҳиятда ўз  
ўрнини топиб олишида мах-  
сус таълим даргоҳларининг  
бу каби изланишлари ўз са-  
марасини беради.

Нигина ШОЕВА

Сурхондарё вилояти



Мактаб ҳовлисига тўпланган ўқувчилар ҳаяжонда. Синфлар орасида ҳафталик баллар мониторингининг илк ғолибини эълон қилиш маросими. 2010-2011 ўқув йилининг учинчи чорағидан мактаб ҳаётига жорий этилган янгиликнинг мақсади ҳақида ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам хабардор қилинган. Аммо илк бор қўлланилаётгани боис, ўқувчилар буни ҳали тўлиқ тушуниб етгани йўқ. Бунга кўра, ўқувчилари энг кўп «беш» балл тўплашга муваффақ бўлган синф ғолиб деб эълон қилинади. Айни пайтда рекорд кўрсаткичга эришган ўқувчилар ҳам мониторингда аниқланиб борилиши керак. Ўқувчиларга кенгроқ тушунча бериш мақсадида мактаб раҳбари Жамолiddин Абдувалиев йиғилишда сўз олди:

— Сиз азиз ўқувчиларни эъло ўқишга қизиқтириш ва ундаш, ижобий рақобат муҳитини шакллантириш, мактабимиз нуфузини ошириш учун ҳафталик баллар мониторингини ташкил этишга қарор қилдик. Биласизки, сизнинг билимларингиз сифати 5 баллик тизимда аниқланади. Яъни: "1" балл 5та имкониятнинг 1тасидан фойдаланилди; "2" балл 5та имкониятнинг 2тасидан фойдаланилди; "3" балл 5та имкониятнинг 3тасидан фойдаланилди; "4" балл 5та имкониятнинг 4 тасидан фойдаланилди; "5" балл 5та имкониятнинг 5тасидан фойдаланилди, деганидир. Биз бу ишни Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази томонидан 2010 йилнинг июнь ойида тасдиқланган «Ўқувчилар билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги низомининг 1-илоҳидада белгиланган мезон асосида амалга оширамиз. Илк ҳафталикда 15 нафар ўқувчиси ҳар дарсда бешта имкониятдан беш балл тўплашга муваффақ бўлган 7-«Б» синфни ғолиб деб эълон қиламиз.

Синф раҳбари Нодирахон Ишонава мамнуният билан даврага чиқди. Синф ўқувчиларини олқишловчи қарсак ёғилди.

### Қандай ташкил этилади?

Ўқувчилар билим олишга қизиқиши, лаёқати билан бир-биридан фарқланади. Болани ҳар бир фан бўйича пухта билим эгаллашга ундаш мураккаб жараён бўлиб, бунда педагогнинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги камлик қилади. Бугунги авлоднинг эҳтиёжларини ўрганиш, таҳлил қилиш шунга кўрсатадики, таълим-тарбияга аънавий ёндашувдан кўра янги-янги методикаларни икхланмасдан қўллаш, замонавий ахборот технологияларидан унмולי фойдаланиш кутилган самарани беради. Ўқувчиларнинг билим самарадорлигини ошириш, ўзлаштириш ва давомат сифатини яхшилашда бундай янгиликларни қўллаш ҳаммиша кенг жамоатчилик томонидан маъқулланган.

2010-2011 ўқув йилининг учинчи чорағидан жорий этилган ушбу янгиликка Наманган шаҳридаги 31-умумтаълим мактаби ўқувчилари ва ўқитувчилари ҳозир тўлиқ мослашди.

Мактаб ўқувчиларининг билим олишга қизиқишини оширишда бу ташаббус қанчалик даражада ижобий таъсир кўчига эга бўлиши аввалдан мактаб раҳбарларига маълум эди. Гарчанд таълим тизимида ўқувчининг билимини аниқлаш ва баҳолашга қўйилган талаб ва усуллар кўп бўлса-да, мактаб бўйича қисқа муддатли мониторингининг ташкил қилиниши ички муҳитнинг янада яхшиланишига сабаб бўлди.

Нодира Ҳўматовна, директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари:

— Шанба кuni синф раҳбарлари кундаликларни йиғиб олиб, опти кун мобайнида ўқувчилар томонидан олинган «5» баллар сарҳисобини ўтказиладилар. 20та ва ундан ошми «5» балл тўплаган ўқувчилар аниқланади. Бунда кундалик дафтарини намуналий юритиш ҳам назорат қилинмоқда. Ҳафта давомида энг кўп «5» балл олган ўқувчининг кундалигига ота-онаси учун миннатдорлик сўзлари ёзиб қўйиладилар. Рўйхат жамланганидан сўнг максимал натижага эришган ўқувчилар орасида 1, 2, 3-ўринларни белгилаймиз. Синфдаги аълочилар сонини ўқувчиларнинг умумий сонига бўлиниб, жамоанинг билим самарадорлиги физи чиқарилади, синфлар орасидаги 1, 2, 3-ўринлар ҳам аниқланади. Ҳар душанба кuni ғолиблар эълон қилинади. Номи эъқр этилган ўқувчилар, ўз синфини олдида бир қатор бўлиб сафланадилар. Фахрлий ўрин соҳиблари алоҳида эълон қилинади ва улар сафланган ўқувчилардан яна бир

нади. Бу тadbир ўғил-қизларни жамоатчилик олдига ўзини қандай тутишга, одоб сақлашга ўргатади. Маънавиятли инсон доимо халқига фойда келтиришни ўйлайди, ўз тақдирини ватани билан боғлиқ ҳолда кўради. 31 нафар ўқувчим бор. 5-синфдан бери раҳбарлик қилаётганим боис, уларнинг ўзига хос феъл-атвори менга яхши маълум. Ҳар бир бола ҳар бир фаннинг асосларини ўзлаштиришга қодир, аммо улар қабул қиладиган билим ва кўникмада фарқ бўлиши мумкин. Агар биринчи чорақда синфимиздаги 23 нафар ўқувчи «4» ва «5» балларга ўзлаштирган бўлса, учинчи чорақда 27 нафаридан ижобий натижа кўзга ташланмоқда. Аълочилар сонининг кўпайиши учун шарт-шароит яратаетган ҳафталик мониторингда бундай юқори кўрсаткичга эришимизнинг бош омилли «Тенгдош — тенгдошга кўмакчи» ширини бўлмоқда. Фаол ўқувчиларга сўз ўзлаштирувчилар бириктирилган, натижа уч-тўрт кунда сезилиб қолади. Сўз ўқувчи «Мен ҳам яхши-ўқисам бўларкан-ку», деган ҳулоасага келади. Натижада улар ҳам фаол ўқувчилар қатори дарсга пухта тайёргарлик билан келадилар. Кундалигига юқори баллар туша бошлагач, кайфиятида кўта-

### Tajriba, sinov, natija



да қизларимнинг билим эгаллаши, ўзлаштириш даражаси кескин яхшиланди. Улар ҳафта якунида менга кундалик дафтарларини тутишди. «Ота-онангизга раҳмат!», «Фарзандингизнинг юқори баллар билан ўқишига шарт-шароит яратганингиз учун миннатдорлик билдирамиз!», «Баракалла!», «Офарин!» сингари илтиқ сўзлар ёзилганини кўриб,

барча рейтинг кўрсаткичлари бўйича учинчи ўринни эгаллаб турганига ҳафталик баллар мониторингини замин яратаетгани шубҳасиз. Бундан уч-тўрт йил аввал 15—20 фоиз ўқувчи фан ва касб тўғраракларига қатнашган бўлса, ҳозирги кунда ҳар бир синфнинг 75—80 фоиз ўқувчиси тўғрарак қўшимча дарслар орқали ўз билим доирасини кенгайтирмоқда.

— Ўқувчилар орасида ҳафталик баллар мониторинги олиб борилиши натижасида жамоавий муҳитнинг соғломлиги, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларида самимийлик, синфдошлар орасида ўзаро ҳурматнинг кучаяётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мактаб — бир бутун жамоа, у хох катта, хох кичик ютуқни кўлга киритсин, бунга ҳар бир ўқитувчи ёки ўқувчи ўзини дахлдор деб билади. Жамоани бир мақсад сари йўналтиришга қаратилган сая-ҳаракатлар ўз мевасини берар экан. Албатта, мониторингини юритишда синф раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг кўзбўямачиликка йўл қўймасликлари, ўқувчининг билимини баҳолашга ҳалоллик билан ёндашишлари қатъий назорат остига олинган. Табиий равишда юзага келган рақобат муҳитида ҳалоллик ва одиллик бўлсагина, биз бошлаган ташаббус ўзини тўла маънода оқлайди.

Дастлабки ўқув йилида янги тажрибани қўллаш учун мослаштириш холатини бошдан кечирган бўлсак, ҳозир бу жараённинг тартиб-қоидаларини нафақат ўқувчи ва ўқитувчилар, балки ота-оналар ҳам билиб олдилар. Ўқувчини кўпроқ «5» балл тўплашга ундашнинг ўз имкониятларини кенгайтиришига, очилмаган қирраларини ҳам кашф этишимизга шарт-шароит яратмоқда. Шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбарлари ҳам биз қўллаётган тажрибани эътироф этиб, бошқа таълим даргоҳларида ҳам қўллаш лозимлигини таъкидлашмоқда. Ҳозирги вақтда 3-, 5-, 6-, 66-умумтаълим мактабларида ҳам ҳафталик баллар мониторинги йўлга қўйилган, — дейди мактаб раҳбари Жамолiddин Абдувалиев.

## ҲАФТАЛИК «БЕШ» БАЛЛАР МОНИТОРИНГИ

### илғорлар сонини кўпайтириб, мактаб нуфузини оширмоқда

қадам олдинга чиқиб турадилар. Уларга мактаб раҳбари томонидан илтиқ сўзлар айтилиди. Бундан-да фаол бўлишларига тилак билдирилади. Шундан сўнг энг юқори натижани кўлга киритган синфлар ҳам аниқланиб, ўринлар белгиланади. Уларни мусика сандолари остида ўз синфларига кузатиб кўямиз. Утган ҳафтанинг шанба кунидан кейинги ҳафтанинг жумасига қадар олинган «5» баллар сонини ҳисоблаб чиқишда жуда аниқлик, синчковлик билан иш тутиш талаб қилинади. Ҳисоботлар кундалик ва синф журналлари билан солиштирилиши, бир хил натижа қайд қилинган бўлиши шарт.

### Ижобий рақобатга ундамоқда

Тажрибани қўллаш жараёнида кўзга ташланаётган яна бир ижобий жиҳат синф раҳбарлари орасида рақобат муҳитининг юзага келганидир. 5—9-синф ўқувчилари жалб қилинаётган мониторинг ўқитувчиларни ҳам изланишга, барча имкониятларни ишга солишга ундамоқда. Мактабда 5—9-синф ўқувчилари 969 нафар бўлиб, улар 27та синфга бириккан. Ҳар бир синф раҳбари ўз ўқувчиларининг ҳолис, адолатли тарзда «5» балларни кўпроқ тўплаганини таъминлашга ҳаракат қилади. Умумтаълим фанлари бўйича бериладиган фундаментал билимларни мустаҳкамлаш, ўқувчиларга ўз интилиши билан қандай натижага эришиш мумкинлигини амалиётда кўрсатиш ушбу тажрибани қўллашда синф раҳбарларига асосий мезон бўлиб ҳисоб қилинапти. Бу ҳақда 9-«Д» синф раҳбари Мохир Маматовна шундай фикр билдиради:

— Ўқувчиларни бир-биридан ўзишга ва ибрат олишга ундашда мониторингининг таъсир кучи яққол сезилмоқда. Ўқувчилар орасида маънавий-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш ушбу мониторингини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳисобла-

ринчилик пайдо бўлиб, ота-онасига ўз ютуғини кўрсатишга шошилади.

### Ота-оналар ҳам хабардор

Ҳар бир ота-она фарзандининг мактабда намуналий ўқишини орзу қилади. Бунинг учун боласининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш ҳаракатига тушади. Агар мактаб педагогига жамоаси ҳам ўқувчиларининг билим эгаллаши учун зарурий шарт-шароит яратмас экан, ота-онанинг интилишлари ваҳога отади. Демак, ҳар иккала томоннинг биригаликдаги сая-ҳаракатинга кутилган натижани беради. Мазкур таълим даргоҳида қўлланилаётган ҳафталик баллар мониторингидан барча ота-оналар хабардор қилинган. Икки ўртадаги ҳамкорлик ўқувчининг кундалик дафтарлари орқали янада мустаҳкамланмоқда. Ота-оналар ҳаммиша банд бўлиди, аммо мониторинг олиб борилишидан хабардорлиги боис, улар ўз фарзандларининг тўплаётган баллари, хулқи ҳақидаги барча маълумотлар кундалик дафтарда акс этишини яхши биладилар. Албатта, кундалик дафтарни тоза-озода юритиш, балларнинг мунтазам қўйилишини таъминлаш ва айни пайтда ота-оналар билан алоқа ўрнатишда улар таъсирчан кучидан фойдаланиш ҳар бир мактаб раҳбариятининг бошқарув услубида ўзига хос ўрин тутиши керак. Мактаб ота-оналар қўмитасининг вакилларидан бири Умида ҳоид Юсупова бу тажриба оила соҳибларини ҳам сертакликка олдаетганини таъкидлайди:

— Фарзандларимизда ўз-ўзини тафтиш қилиш ва фаол бўлиш ҳисси кучайган бўлса, худди шу ҳолат бизга ҳам кўчди. Кундалик дафтар нафақат болаларни, балки биз учун ҳам муҳим ҳужжат даражасига кўтарилди. Қизим Сарвиноз 8-«Б», Маржона эса 6-«Д» синфда ўқийди. Мактабда ҳафталик баллар мониторингининг ўтказилиши натижаси-

кўнглим тоғдек кўтарилди. Биз ота-оналар фарзандларимизнинг ўзлаштириш даражасидан кундалик дафтар орқали бохабар бўлиб бормоқдамиз. Бу жараёнга нисбатан ўзимизда ҳам қизиқиш кучайган.

### Тадбирнинг натижага таъсири

Ўқувчилар орасида ўтказилаётган қисқа муддатли мониторинг билим самарадорлигини ошириш омиллига айланди. Фанлар ва синфлар кесимида ўтказиладиган тадбирларда ушбу тажрибани ижобий таъсири сезилаётганини кейинги уч ўқув йилидаги кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди:

2010-2011 ўқув йили якунида ўқувчилар билим самарадорлиги 77 фоиздан 79,9 фоизга ошган. 2011-2012 ўқув йилига келиб, ўқувчилар билим самарадорлиги 83,5 фоиз кўрсаткичда қайд қилинди. Жорий ўқув йилида эса бундан ҳам юқориқор натижа мўлжалланмоқда. Наманган шаҳридаги 71та умумтаълим мактаби орасида ушбу таълим маскани

### Энг сўнгги маълумот билан танишинг:

Охириги ҳафтадаги ҳолатга кўра, биринчи ўринни 34тадан ортқ «5» балл олган 6 нафар ўқувчи эгаллаган. Иккинчи ўринни 31-32тадан «5» балл йиққан 4 нафар ўқувчи забт этди. 30тадан «5» балл тўплаган 13 нафар ўқувчи эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

Синфлар орасида биринчи ўринни 42 нафар ўқувчидан 31 нафари фақат «беш» балл олгани боис, 9-«Б» синф эгаллаган бўлса, иккинчи ўринга 22 нафар аълочиси билан 8-«К» синф лойик топилди. 7-«Ф» ва 5-«Б» синфга эса 22, 25 нафар аълочиси бўлгани учун учинчи ўрин насиб этди. Яқинда ушбу мактабда ўтказилган билимлар бешлашувининг шаҳар босқичида мезон ўқувчилардан 5 нафари учинчи ўринга сазовор бўлди. Утган йили эса 3 нафар ўқувчи вилоят босқичида иштирок этиб, учинчи-тўртинчи ўринларни кўлга киритган эди.

Мактаб ўқувчиси пухта билим эгаллаш учун интилар экан, бу унинг ёрқин келажаги учун замин яратди. Ана шу мақсадни ўзига хос этган ҳафталик баллар мониторинги қўллаб-қувватлашга, ўрганишга ва оммалаштиришга арзийдиган тажрибадир. Таълим даргоҳида ички муҳитни соғломлаштириш, мактаб нуфузини ошириш, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ижобий рақобатни вужудга келтиришда ҳам бундай тажрибалар ўзини оқлайди.

Хулқар ТҲЙМАНОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири







**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим  
ҚОЗОҚ тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2013-2014 ўқув йилида  
фойдаланишга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар**

**РЎЙХАТИ**

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъминланиш ҳолати	Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи	Муаллифлар	Тавсия этилган йили	Таъминланиш ҳолати
<b>1-синф</b>					11	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара
1	Алифбе(Элпипе)	А.Исабаев ва б.	2013	беғул	12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2013	ижара
2	Ёзув дафтари	М.Омаров ва б.	2013	беғул	13	География	А.Соатов ва б.	2013	ижара
3	Она тили (Ана тили)	М.Умаров	2013	беғул	14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
4	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Умаров	2013	беғул	15	Мусиқа	С.Бегматов ва б.	2013	ижара
5	Математика	М.Аҳмедов ва б.	2013	беғул	16	Жисмоний тарбия (5-6)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2013	беғул	17	Тасвирий санъат	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2013	беғул	18	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2013	беғул	<b>7-синф</b>				
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2013	беғул	1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
10	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2013	беғул	2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	Д.Айтбаев ва б.	2013	ижара
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳжамжонов ва б.	2013	беғул	3	Адабиёт (Эдебиет)	К.Сейданов ва б.	2013	ижара
12	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	беғул	4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
<b>2-синф</b>					5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара
2	Она тили (Ана тили)	М.Омарулы	2012	ижара	7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2013	ижара
3	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омарулы	2012	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов	2013	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	ижара
5	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2012	ижара	10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2012	ижара	11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2012	ижара	12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	ижара
8	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара	13	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2013	ижара
9	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	14	Зоология	О.Мавлонов	2013	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳжамжонов ва б.	2010	ижара	15	География	П.Фуломов ва б.	2013	ижара
<b>3-синф</b>					16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2012	ижара	17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	ижара
2	Она тили (Ана тили)	М.Омарулы ва б.	2012	ижара	18	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2013	ижара
3	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омарулы ва б.	2012	ижара	19	Жисмоний тарбия (7—8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2013	ижара
4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара	20	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2013	ижара
5	Математика	С.Бурҳонов ва б.	2012	ижара	21	Меҳнат таълими	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2012	ижара	<b>8-синф</b>				
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2012	ижара	1	Ўзбек тили	Ҳ.Мухиддинова ва б.	2010	ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2010	ижара	2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	Д.Айтбаев ва б.	2010	ижара
9	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	2010	ижара	3	Адабиёт (Эдебиет)	Е.Абдувалитов ва б.	2010	ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳжамжонов ва б.	2010	ижара	4	Русский язык	Р.Толипова ва б.	2010	ижара
<b>4-синф</b>					5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2013	ижара	6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2010	ижара
2	Ўқиш китоби (Оқу китаби)	М.Омарулы ва б.	2013	ижара	7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З.Абдушукурова ва б.	2010	ижара
3	Она тили (Ана тили)	М.Омарулы	2013	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	М.Алиев ва б.	2013	ижара	9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2010	ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2013	ижара	10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2010	ижара
6	Табиатшунослик	А.Баҳромов	2013	ижара	11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2013	ижара	12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
8	Мусиқа	О.Иброҳимов ва б.	2013	ижара	13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2010	ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳжамжонов ва б.	2013	ижара	14	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
10	Меҳнат таълими	И.Маннопова ва б.	2013	ижара	15	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2010	ижара
11	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2013	ижара	16	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2010	ижара
<b>5-синф</b>					17	География	П.Мусаев ва б.	2010	ижара
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	ижара	18	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	У.Бойқобулов ва б.	2011	ижара	19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўқор ва б.	2011	ижара
3	Адабиёт (Эдебиет)	Қ.Сейданов ва б.	2011	ижара	20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
4	Русский язык	О.Қодирова	2011	ижара	21	Жисмоний тарбия (7—8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	ижара	<b>9-синф</b>				
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	ижара	1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2010	ижара
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	ижара	2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	С.Аманжаев ва б.	2010	ижара
8	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	ижара	3	Адабиёт (Эдебиет)	Қ.Жумаев ва б.	2010	ижара
9	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	ижара	4	Русский язык	Ю.Азизханова ва б.	2010	ижара
10	Математика	Б.Ҳайдаров	2011	ижара	5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2010	ижара
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	ижара	6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадахожаева ва б.	2010	ижара
12	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	ижара	7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2010	ижара
13	Табиий география бошланғич курси	П.Фуломов ва б.	2011	ижара	8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2010	ижара
14	Мусиқа	А.Мансуров	2005	кутубхона фонди	9	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2010	ижара
15	Жисмоний тарбия (5—6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	кутубхона фонди	10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	В.Костецкий ва б.	2010	ижара
<b>6-синф</b>					11	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	ижара
1	Ўзбек тили	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара	12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2010	ижара
2	Қозоқ тили (Қазақ тілі)	А.Исабаев ва б.	2013	ижара	13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2010	ижара
3	Адабиёт (Эдебиет)	Е.Абдувалитов ва б.	2013	ижара	14	Геометрия	Б.Ҳайдаров ва б.	2010	ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи	2013	ижара	15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2010	ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	ижара	16	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2010	ижара
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	ижара	17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикириев ва б.	2010	ижара
7	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2013	ижара	18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2010	ижара
8	Математика	М.Мирзааҳмедов ва б.	2013	ижара	19	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	ижара
9	Физика	Н.Турдиев	2013	ижара	20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2010	ижара
10	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2013	ижара	21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2008	кутубхона фонди

**Хурматли халқ таълими ходимлари! «Таълим тараққиёти» ахборотнома-си ўз саҳифаларида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муҳим меъёрий ҳужжатларни бериб келмоқда. Буни ахборотноманинг 2013 йил 1-сонига берилган материаллар мисолида ҳам кўришингиз мумкин.**

Хабарингиз бор, Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 6 декабрдаги 350-сонли буйруғига биноан умумтаълим муассасаларида ҳар ҳафтанинг жума куни «Маънавият куни» сифатида белгиланди. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадини кўзлаган бу ташаббус умумтаълим муассасаларида меҳнат қилаётган минглаб педагогларга кўшимча вазифалар юклати шубҳасиз. Ҳўш, бу борада улар кимдан маслаҳат ва тавсиялар олишлари мумкин? Бундай саволларга хурматли педагоглар ахборотноманинг ушбу сонига чоп этилган Халқ таълими вазирлигининг 350-сонли буйруғи ҳамда унинг иловалари орқали тўлақонли жавоб оладилар. Зеро, буйруқнинг 2-илоvasида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятда фаолият юритаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича таянч мактаблар рўйхати берилган.

Ақинда мамлакатимизнинг барча худудида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ўқув

## МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР АХБОРОТНОМАСИ



фанлари бўйича билимлар беллашуви бўлиб ўтди. Мазкур беллашувнинг биринчи — мактаб bosқичида солиб бўлган ўқувчилар иккинчи — туман (шаҳар) bosқичида ўз билимларини олдингисидан кенгрок аудиторидан синовдан ўтказдилар.

Ҳўш, билимлар беллашувининг кейинги bosқичлари қай тартибда, қандай қоидалар асосида, қачон

ўтказилади? Иширокчилар ишларини баҳолаш ва рейтинг чиқариш; вилоят ва республика bosқичидаги натижаларга кўра чегирма баллар қандай асосда кўлланади?

Ахборотномада чоп этилган «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг фанлар бўйича билимлар беллашувини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»-ги буйруғи билан танишган муштарийлар бу саволларга ҳам тўлиқ жавоб олади.

Муштарийлар, шунингдек, ушбу сонда Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 2012 йил 2 ноябрдаги 319-сонли, «Халқ таълими вазирлиги номенклатурасига қирвчи лавозимларга раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг яхлит захирасини яратиш тўғрисида»-ги 2012 йил 30 ноябрдаги 342-сонли, «Баркамол авлод» болалар марказларининг педагогик ва услубий кенгашлари тўғрисидаги низоmларни тасдиқлаш ҳақида»-ги 2012 йил 30 ноябрдаги 343-сонли буйруқлари ва уларнинг иловалари билан танишишлари мумкин.

Ахборотноманинг кейинги сонларидан 2013 йил — Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар ўрин олади.

## БОШ МАВЗУ: ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ



Биз Абдуқаҳҳор Иброҳимовни илгарилари долзарб мавзуларда ёзилган драматик асарлари орқали билардик. Мустақилликдан кейин эса адаб истеъдодининг яна бир жиҳати намойён бўлди: унинг номи ҳаётимизнинг гоят муҳим муаммоларини кўтариб чиққан мақолалари билан тилга тушди. Публицист асарларининг асосий мавзуси — ИНСОНнинг ўзини англаши масаласи эди. Зотан, ўзликни анлаш ҳар бир одам умрининг мазмунини белгилайди. Буюк файласуф Абу Ҳамид Муҳаммад Ғазолий ҳам «Оллоҳни англашдан аввал ўзини англамоқ жоиз», деб бежиз айтмаган.

А.Иброҳимов сўнги салкам чорак аср мобайнида халқимизнинг ўзлигини анлаши борасида салмоқли китоблар, ўнлаб-йиширмалаб етук мақолалар битди. Бу асарларда Ватанини севган гражданин беэовта қалби уриб туради. У жонажон Ватанини, она халқимиз тарихида алоқадор ҳар бир арзирли далилни, ҳужжатларни синчковлик билан, холис ўрганишига интилади ва улардан мантқиқли хулосаларга келади, ўз фикр-мулоҳазаларига ўқувчини ҳам ишонттиради...

Таълиқ драматурги ва публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг миллий публицистикаси ривожига қўшган сезиларли ҳиссаси учун у ақинда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан Ўзбекистон санъат институтининг ижтимоий фанлар кафедраси профессори илмий ивонига тасдиқланди. Албатта, бу юксак эътирофда иккинчи нашрдан чиққан «Рухий озик махзани» («Янги аср авлоди», 2013) тўпламининг ҳам ўрни бор.

Бу китоб барча маънавият ва маърифат тарғиботчилари, олий ва махсус ўрта ўқув юрларининг ўқитувчилари, талабалар, мактаб ўқувчилари учун зарур ўқув кўлланмасидир.

### Jurnallarning yangi sonlarida

T.САЛИМОВ

«Тадқиқотимиз оилада ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари таъсирида тарбияланаётган қиз бола, аввало, онасининг отасига эътибор қаратишини, онанинг оилада бажарётган ролига қараб ўзини келажақда айнан аёллик ва оналик ролига тайёрлаб боришини исботлади. Бундан кўринадики, отанинг онага муносабати қараб, қизлар келажақда турмуш ўртоғи билан қандай муносабатда бўлишни ўрганиб боради».

## МАҚОЛАЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Барчамизга аёнки, бугунги сивъ ва ижтимоий ўзгаришларга бой даврда хотин-қизларда шаклланаётган янги, демократик, фаол сифатлар кўплаб тадқиқотлар истиқболни белгиламоқда. Юқорида келтирилган иқтибос ҳам ана шундай тадқиқотлардан бирига асосан психология фанлари номзоди Одина Отажоновна томонидан ёзилган мақоладан келтирилди. Мавзунинг давомига қизиққан муштарийга «Тарбия» журналининг 2013 йил 1-сонини ўқишни тавсия қиламиз.



пайтда республика-мизда фаолият юритаётган 211та «Баркамол авлод» болалар марказида жами 181та «Ёш пазанда» тўғараги иш олиб бормоқда.

«Баркамол авлод» республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори-нинг ўринбосари Бахтиёр Тошнӣёзовнинг. «Ўқимок, ўқитмоқ ва ўргатмоқ; бунинг учун инсон кучли ва соғлом бўлиши лозим» сарлавҳали мақоласида шулар ҳақида сўз юритади. Мақоладан олинган ушбу иқтибос эътиборингизни тортади, деб ўйлаймиз: «Барчамиз учун сеvimли бўлган сўт таркибида куйидаги 23та элемент борлиги аниқланган: литий, рубидий, мис, кумуш, барий, стронций, рух, бор, алюминий, кремний, калай, кўргошин, титан, мишьяк, ванадий, хром, молибден, йод, фтор, марганец, темир, кобальт ва никель».

Маънавий-маърифий тадбирлар учун мавзу танлаётган педагогларга 22 март — халқро сув ресурслари куни муносабати билан ўтказиладиган тадбир билан тарбиянинг диққат билан ўқишни тавсия қиламиз. «Сув — ризқининг негизи» сарлавҳали бу сценарийнинг тахририятга Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Даноҳон Усмонова йўллаган.

Хурматли муштарийлар! Журналимизда Сиз ҳам ўз ижодий ишларингиз, тажрибаларингиз ёритилган мақолалар, тадбирлар сценарийлари билан чиқиш қилиш ижтимоиятига эга эканингизни билдиримиз ҳамда мақолаларни tarbiya@inbox.ru манзил-ида кутамиз.

Ш.НИШОНОВ

## БОШҚАРУВ САБОҚЛАРИ

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 20 декабрдаги «Илгор педагогик технологиялар бўйича тажриба-тадқиқот майдонлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»-ги 289-сонли буйруғига асосан республикамизнинг турли худудларидан энг сара 28та мактабда тажриба-тадқиқот майдони ташкил этилган эди. Мазкур тажриба-тадқиқот майдонларида ишни намунали ташкил этиш учун хорижий ва мамлакатимиз таълим муассасаларида кўлланиб келинаётган 100дан ортик педагогик технологиялар, интерфал методлар жамланди ва олимлар, методистлар, ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳи томонидан экспертизадан ўтказилиб, энг саралари жойлардаги тажриба-тадқиқот майдонларига етказилди.



«Таълим менежменти» журналининг 2013 йил 1-сониде республикамиздаги 28 та илгор мактаблардан бири саналган — Каттақўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби фаолияти, ютуқлари, тажрибалари ҳақидаги «Мактаб тажриба-тадқиқот майдонига айланган, жамоадаги ишчилар муҳити янада кучаяди» сарлавҳали мақола (муаллифи ушбу мактаб раҳбари Мухайё Носирова) билан бошланади. Норин туманидаги 43-умумтаълим мактаби директори Муҳаммадхон Эргашевнинг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш — муваффақият гарови» мақоласида эса муаллиф мактабини бошқариш борасидаги тажрибалари ҳақида сўз юртган.

«Ўқитувчиларимиз жамоаси волейбол бўйича туман ва вилоят мусобақаларида пешкадамликни кўлдан бой бермай келмоқда», деб ёзади Олтинкўл туманидаги 36-умумтаълим мактаби директори Искандар Исмоилов «Мақсад — билимни авлодни тарбиялаш» мақоласида. Дарҳақиқат, эб авлодга билим берадиган ўқитувчиларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиши таълим сифати ҳам ижобий таъсир ўтказганки, ушбу мактаб 2012/2013 ўқув йилида туман рейтингида 25-ўриндан 7-ўринга кўтарилибди.

ЎзФТИТ тадқиқотчиси Шукур Бурҳоновнинг «Мактаб раҳбари ахборот маданиятининг намойён бўлиши мезонлари ва

ўзига хос жиҳатлари» сарлавҳали мақоласида мактаб директори учун янги тушунча бўлган таълим муассасаси раҳбарининг ахборот маданияти тўғрисида сўз боради. Муаллиф мақоласида бу борада бошқарув амалиётида кўллаш мумкин бўлган самарали усуллар хусусида батафсил фикр юртади.

Замонавий раҳбарнинг бошқарув мақсади ўз ходимларини ахлоқий жиҳатдан юксак даражага кўтариш, жамоада соғлом маънавий муҳитини шакллантиришдан иборат. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази илмий тадқиқотчиси Исроил Хуррамовнинг «Замонавий раҳбарнинг экологик компетентлигини ошириш — давр талаби» мақоласида раҳбар жамоа бошлиғи сифатида қандай вазифаларни зиммасига олиши лозимлиги, инсон сифатида нималарга кўпроқ эътибор қаратиши кераклиги ёритилган.

Хурматли халқ таълими тизими раҳбар ходимлари! Журналда фаолиятингизга кўмак берувчи яна кўплаб материаллар ўрин олган. Марҳамат, Сиз ҳам ўз ютуқларингиз, тажрибаларингиз билан ўртоқлашини! «Таълим менежменти» журналы — Сизнинг минбарингиз!

Бизнинг электрон манзили-миз — t\_menejmenti@inbox.uz

Б.АКРАМОВ

М.САДИНОВ



Дўконларга кирганингиз заҳоти нигоҳингиз беихтиёр пештахталардаги ранг-баранг ўрамларга жойлаштирилган маҳсулотларга тушади. Қайси бирини харид қилиш эса сизни бироз ўйлантириб қўяди. Ўрам истеъмолчининг диққатини ўзига жалб этиш билан бир қаторда, уни харид қилишга ундовчи восита ҳамдир. Махсус қути, идиш ва ўрамлар маҳсулот ҳақида (таркиби, қадоқланган санаси, сақлаш муддати, ишлаб чиқарган корхона ва ҳоказолар) тўлиқ маълумот бериш баробарида, уни турли ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади, шунингдек, корхона ёки фирманинг ишлаб чиқаруви ва истеъмолчилар ўртасида қанчалик мавқега эга эканини ҳам кўрсатиб туради. Мазкур жараён тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади.

...Милоддан аввалги 6000 йиллари қадимги Мисрда хумдонлар ихтиро қилинган. Кейинчалик, яъни эрамыздан олдинги 5000 йилга келиб, Европа давлатлари халқлари лойдан сопол идишлар ишлаб чиқаришни ўрганиб олдилар. Дастлабки сопол буюмлар шиша идишларга нисбатан олдинроқ, милоддан аввалги 2500 йилларда Вавилонда яратилган. Эрамыздан 1500 йил аввал эса мисрликлар шишадан турли идишлар, асбоб-анжомлар ясашни ўзлаштиришган. Сўнгра бу анъана қадимги Мисрдан қадимги Юнонистон ва Сурияга кўчади. Милоддан аввалги 500 йилда Галлия худудлари (ҳозирги Шимолий Италия, Франция ва Бельгия)да биринчи ёғоч бочкалар яратилди. Мана шу кашфиётлар қоғоз ўрамларнинг кашф этилишида муҳим қадам бўлди ва IX асрга келиб қадимги Мисрда қоғоз ўрамларнинг илк кўринишлари пайдо бўлди.

Айтиш керакки, илк ўрамлар сода қаққинишга эга бўлиб, улар ичига маҳсулот солиниб, ўраб қўйилган. Улар асосан турли хомаш — қамиш, лой ва Нил дарёси соҳилларида ўсадиган ўсимликлардан тайёрланган.

Ўрта асрларга келиб Шимолий Европада бочка ясоччи усталар сони ортиб, ўз-ўзидан бу соҳада кўплаб янгилликлар кашф этилди. Ишлаб чиқариш технологияларининг вужудга келиши эса инсонларни янгилликлар, ихтиролар сари чорлайверди. Мисол учун, усталар хўл маҳсулотларни сақлайдиган бочкаларни ясаш учун дуб дарахтидан, қуруқ маҳсулотларни сақлайдиган бочкалар учун эса сосна дарахтидан фойдаланишган. Бунда маҳоратли усталар дарахтларнинг нам сақлаш, қуёш нурини тез ўтказиш сингари ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратишган.

Қадоқлаш саноати тарихида биринчи меъёрий қондалар 1375 йили қабул қилинди. Шу йили Ганза уюшмаси томонидан бочкаларнинг аниқ ўлчов бирлиги ва ҳажми жорий этилди. Унга кўра, бир бочка сут 117,36 литрга тенг деб ҳисобланган.

XVII асрда швейцариялик Юлиус Койет илк бор дорихоначилар бюртмасига биноан суяқ ва кукунсимон кўринишдаги турли малҳамларни сифатли ва ишончли сақлашга хизмат қилувчи шиша идишларни ишлаб чиқарадиган заводни ишга туширди.

Саноат инқилоби даври — XVIII асрда матоли (пахта ва канопдан тайёрланган) қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, унинг кўлами жадал сурьатларда кенгайди.

1798 йили Францияда қоғоз ишлаб чиқариш учун биринчи станокнинг яратилиши қадоқлаш тарихида туб бурилиш ясади. Кейинчалик, 1807 йили Англияда қоғоз ўрамла-

рини рулон шаклида ишлаб чиқарадиган ускуна ўйлаб топилди.

Литография (яъни, литос — "тош", графия — "ёзаман")нинг кашф этилиши туфайли XVIII аср охирида Германия саноатида қадоқларга рангли тасвирлар тушириш имконияти пайдо бўлди ва бу маҳсулотни янги-ча кўринишда харидорга тақдим этиш, етказиш имконини яратди.

Литография усулида ишланган биринчи қоғоз ёрлик (этикетка) 1820 йилдан амалиётга жорий этилган. Унга қадар эса ҳар бир этикетка учун алоҳида қўл меҳнати зарур бўлган. Тахминан шу вақт оралиғида илк бор консерва идишлари ишлаб чиқарилган. Айнан XVIII асрда қадоқлаш билан боғлиқ қатор ихтиролар рўй бер-

белгилар маҳсулотнинг нимадан тайёрлангани, қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар, шунингдек, инсон саломатлиги ҳамда атроф-муҳит учун зарарсизлиги, қайта ишлаб чиқариш шартлари ҳақида маълумот беради.


Қизиқарли томони шундаки, маҳсулот таннархининг муайян қисмини қадоқлаш учун ажратиладиган маблаглар ташкил этади. Жумладан, косметика ёки озиқ-овқат маҳсулотлари учун тўланадиган маблагнинг 30 фоизиндан ортиги айнан унинг ўрамини учун сарфланади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Германияда ўрам ишлаб чиқариш учун 40 фоиз қоғоз, АҚШда эса тахминан 25 фоиз пластик ишлатилади. Буюк Британияда худди шу мақсад

кўрсатиши ишлаб чиқарувчиларни ранглар уйғунлигини инobatга олишга чорлайди. Рангларнинг ижобий хусусиятларидан унумли фойдаланиш, уларнинг истеъмолчи кайфиятига таъсирини ҳисобга олиш кўзланган муваффақиятнинг муҳим омилларидан. Масалан, шакар идиши учун яшил ранг танланса, бу унчалик тўғри келмайди. Чунки яшил рангдан аччиқ маҳсулотлар этикеткасини яратишда фойдаланилади. Аксинча, бунинг учун ҳаворанг танланиши кўпроқ самара келтиради, сабаби бу ранг ширин ва мазали озиқ-овқат маҳсулотларига мос.

Қолаверса, қадоқда иссиқ ранглардан кўпроқ фойдаланилса, кўза тез ташланади. Ёрликда харфлар

## Bilasizmi?



гани бундай технологияларни янада такомиллаштириш заруратини пайдо қилди. Мисол учун, 1827 йили франциялик Барета арзон мулланган қадоқловчи қоғозни ихтиро қилди. 1850 йилда эса алюминий фальга ва қоғоздан иборат икки қатламли конфет ўрамлари вужудга келди. Бу ҳозирги конфет ёки шоколадлар учун бир томони ялтироқ қоғоз ўрамларининг илк кўриниши эди.

Ҳозирги вақтда биз деярли ҳар қуни ишлатадиган яхна ичимликларнинг полиэтилен идишлари (баклашқалар)ни тайёрлаш станогини 1903 йилда Михаэль Оуэнс томонидан ихтиро қилинган. Ушбу технология ҳаво ёрдамида полиэтилен идишларни пуфлаб шиширишга асосланган эди.

1940 йилларда эса турфа хил полиэтилен пакетлар кенг тарқалди. Мазкур пакетларда тутқичларнинг жорий этилиши, шунингдек, савдо тармоқлари, янги-ча кўринишдаги супермаркетлар сонининг кўпайгани уларнинг оммалашувиغا катта таъсир кўрсатди.

Тез айнувчи ичимликлар, табиий сут ва шарбатларни узоқ муддат, сифатли сақлашда "Тетра Парк" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган қоғоз ўрамлар муҳим янгилик сифатида эътироф этилади. Ушбу компания 1950 йили сут ва сут маҳсулотларини сақлаш мақсадида ламинацияланган қоғоз ўрамлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

1958 йили илк бор алюминийдан ясалган пиво идишлари ишлаб чиқарилган бўлса, 1963 йили улар қоғоғига махсус илгак жорий қилиниб, идишни очиш осонлаштирилди. 1960 йили қалин қоғоз қутиларни ўраш учун бир томони елимланган ленталар яратилди.

Ҳар қандай маҳсулот қадоғи, ёрлиги — этикеткаларда маҳсулотнинг ўзига хос белгилари (идентификация, манипуляция, экологик ва ҳоказо) акс этади. Бироқ истеъмолчиларнинг ҳаммаси ҳам бу белгиларга эътибор қаратавермайди. Ушбу

# ҚАДОҚЛАШ САНОАТИ

## СОПОЛ ИДИШДАН СИФАТЛИ ҚОҒОЗГАЧА

учун беш фоиз электр энергияси сарфланар экан.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қадоқ ва этикеткаларнинг ранглари харидорлар руҳиятига таъсир ўтказар экан. Бу борада швед пси-

хологи Макс Люшер махсус тест тузиб, қайси турдаги рангларнинг инсон руҳиятига қандай таъсир кўрсатишини ўрганди. Унинг таҳлилларига кўра, кизил ва тўқ сариқ ранг юрак уриши ва нафас олишининг энгиллашувига ижобий таъсир ўтказар экан. Бу рангга одатда ҳиссиётларга берилувчан одамлар талпинади. Кўк ва мовий рангларнинг ўзига хос жиҳати — улар киши диққатини жамлай олади. Мазкур ранггади қадоқларга кўп тикилиб туриш инсоннинг асаб тизимини тинчлантириши мумкин. Шу боис ҳам мовий ранггади маҳсулотларни кўпроқ бамайлихотир харидорлар танлашади. Баъзи психологларнинг фикрича, кўк ва мовий ранггади маҳсулотлар кўпроқ аёлларни ўзига жалб қилади. Сариқ рангли қадоқлар эса иссиқ ва ёрқин маҳсулотлар учун мос. Бундай рангли маҳсулотларни асосан, ниманидир кутаётган, умидвор инсонлар яхши кўради. Юксак марраларни кўзловчи, мўлжални узоқ ола биладиган одамлар яшил ранггади қадоқларга кўпроқ эътибор қаратади. Мала ранггади ўрамларни қулайлик ва ихчамлики афзал кўрувчилар танласа, қора ранг турли қатламларда қарама-қарши фикрдаги инсонларни ўзига тортади. Оқ ранг эса саний, яхшилик қилувчи инсонларнинг доимий эътиборида. Рангларнинг киши руҳиятига турлича таъсир

аниқ кўриниши, шу билан бирга, истеъмолчилар ўрганиб қолган дизайн элементларидан тезда воз кечмаслик зарур.

Бугунги кунга келиб, маҳсулот ўрамларига бўлган талабнинг кескин ортиши яна бир жиддий муаммони юзага келтириб чиқармоқда. Кенг миқёсда ишлаб чиқарилган ўрамларнинг аксарияти бир марта фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, шундан сўнг улар чиқиндига айланади. Ўтган асрнинг 90-йилларида Фарбий Европада жон бошига бир йилда 150 кг шу каби чиқиндилар тўғри келган бўлса, АҚШ ва Японияда бу кўрсаткич 200 килограмгача етган. Айтиш керакки, дунё океанларининг деярли ҳар бир қисмида минглаб пластик идишлардан ҳосил бўлган кўчма оролларга кўзингиз тушади. Бу эса маҳсулот ўрамларини йўқ қилиш ёки уларни қайта ишлаш масаласини кўндаланг қўйди. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда чиқинди тарихидаги массанинг 30 фоизи ишлатилиб бўлган қадоқлаш материаллари "ҳисса"сига тўғри келади. Улардан баъзиларининг йўқ бўлиши учун йиллаб вақт керак бўлади. Жумладан, шиша идиш бир миллион йил мобайнида парчаланса, полиэтилен пакет 400 йил давомида йўқ бўлиб кетар экан.

Маҳсулот ўрамларини қайта ишлаш ёки йўқ қилиш борасида дунёда ўзига хос тажрибаларга кўл урилган. Ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларни қайта ишлатиш мумкин бўлган махсус материаллардан тайёрланган ўрамларга жойлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда қайта ишлаш мумкин бўлган маҳсулот ўрамларига яшил доирасимон белги (Мёбиус лентаси)ни қайд этиш урфга кирган.

Бугунги кунда юртимизда ҳам қадоқлаш саноати чиқиндиларини қайта ишлаш ва хавфсиз ҳолатга келтириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастурига биноан 2013-2015 йилларда маиший чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Унга кўра, худудларда санитария-экологик вазиятни янада яхшилаш мақсадида маиший чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш бўйича жаҳон амалиётида синовдан ўтган услублар жорий этилади. Бу эса ўз навбатида, маиший чиқиндиларнинг йиллар давомида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда келажақ авлодга мусоффо табиатни мерос қолдиришда муҳим аҳамият касб этади.

ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси Дилшод РЎЗИКУЛОВ тайёрлади.

**ХАСТАЛИКДАН ФОРИФ БЎЛДИ**

*Америка Қўшма Штатларида иммунитет таъқислиги хасталиги билан дунёга келган чақалоқнинг тўлиқ тузалгани қайд этилди. Бу ҳақида Жон Хопкинс университети олимлари илмий анжуманда эълон қилишган.*

2010 йили Миссисипи штатида

ОИВ касаллиги билан туғилган қизалоқни даволаш мақсадида шифокорлар анъанавий даво чораларини қўллаган. Яъни, гўдак бир вақтнинг ўзida вирусга қарши 3-4 турдаги кучли таъсир кўрсатувчи дори воситаларини қабул қилган.

Одатда ОИВ хасталиги билан дунёга келган чақалоқларни даволашга туғруқнинг 4-6 ҳафтасида киришиллар эди. Бу сафар даволаш ишлари қизалоқ дунёга келган дастлабки 30 соат ичидаёқ бошланди. 18 ой давом этган кучли даволаниш жараёнидан сўнг қайд этилган натижалар ОИВ ташувчилар учун нормал ҳолатни кўрсатган. Шундан сўнг, онанинг илтимосига кўра даволаниш 10 ойга тўхтатилган. Шифокорлар даволанишни давом эттириш учун қизалоқ қонидан таҳлил олишганида, хасталик белгилари қайд этилмаган.

«Миссисипи ҳодисаси»дан сўнг олимлар ОИВга қарши курашишда анъанавий усулнинг афзаллигини, даволаш ишлари эса дастлабки соатлардаёқ бошланиши лозимлигини таъкидлашмоқда. Навбатдаги тадқиқотлар ОИВ билан дунёга келган барча чақалоқлар билан олиб борилиши режалаштирилган.



Кузатувлар олиб борилган ҳудуд Ван Аллен белбоғлари ўртасида жойлашган бўлиб, улар қатта таъсир кучига эга зарылланган зарраларни тўсиб қолади ва ўзида жамлайди. Ер сиртидан 13 минг километр баландликдаги ички қатлам етарлича барқарор ҳисобланади. 19-40 минг километр баландликдаги ташқи қатлам эса ҳам жиҳатдан 100 мартабагача ўзгариши мумкин. Мазкур қатламда энг кўп энергия жамланиши кузатилади.

Олимлар ҳозирча ўрта қатламнинг қандай пайдо бўлиши ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Ундаги зарылланган зарралар ташқи қатламдан кириб келиши ёки Ернинг ташқи қисмидан кўтарилиши номаълумлигича қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ер шари магнитосферасини ўрганиш олимлар учун атмосферанинг юқори қатламларидаги табиий жараёнларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, шунингдек, сунъий йўлдошлар фаолияти самаралорини ошириш ҳамда космонавتلарни етарлича ҳимоя қилишнинг янги механизмларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЯХШИ, АММО...**

*Жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиш инсон саломатлиги учун фойдали. Аммо ҳар нарсанинг ўз меъёри бор. Қўш, жисмоний тарбия билан шугулланишда қандай меъёрларга амал қилиш саломатлик учун хавф тугдирмайди?*

Кўпчилик мутахассислар киши бир ҳафтада 150 дақиқа, бир кунда эса 20—60 дақиқа давомида аэробика билан шугулланиши, футбол ўйнаши ёки югуриши мумкинлигини тавсия қилишади.



Австралиянинг Гриффит университети изланувчиси Питер Милбёрнинг фикрича, жисмоний машғулотларни мушакларда ог'риқ сезилгуча давом эттириш мумкин эмас. Кўпинча жисмоний машғулотларнинг қанчалик самарали кечгани навбатдаги кунда мушакларнинг ог'риши билан баҳоланади. Аммо мушакларнинг ог'риши организмнинг ноодатий зўриқишга нисбатан табиий жавоби бўлиб, тўқималарда янги шароитта мослашиш жараёни кечатганини аниқлатади.

Шунингдек, ог'риқ пайтида организмда табиий ҳимоя механизми ишга тушиб, ортқча зўриқиш натижасида бирор жараҳат олиш мумкинлигининг ҳам огоҳлантиради ва машғулотларни якунига етказиш истагини пайдо қилади.

— Машғулотлар жараёнидаги ог'риқ саломатлик билан боғлиқ бошқа муаммоларни ҳам ўзида акс эттиради, — дейди мутахассис. — Жумладан, кўкракдаги ог'риқ юрак, бронхоспазм (мушакларнинг бирдан қисиб қолиши), нафас олиш тизимида муаммо борлигидан огоҳлантиради. Бўғимлардаги ог'риқ эса остеоартрит каби жараҳатлардан далolat бериши мумкин. Шу боис, жисмоний машғулотлар пайтида ҳеч қандай ог'риқлар сезилмаслигига эътибор қаратиш лозим.

Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.

**ЕРНИНГ УЧИНЧИ РАДИАЦИОН БЕЛБОҒИ АНИҚЛАНДИ**

*Олимлар томонидан Ер шарининг ички ва ташқи радиацион белбоғлари ўртасида аввал қайд этилмаган вақтинчалик, аммо узок яшовчи зарылланган зарралардан ташқи томонга яна бир оврақ қатлам мавжудлиги аниқланди. Бу ҳақидаги мақола «Science» журналида chop этилди.*



Кузатув ишлари 2012 йили Америка космик тадқиқотлар агентлиги томонидан коинотта учирилган иккита «Radiation Belt Storm Probes» сунъий йўлдоши ёрдамида олиб бориши.

Ташқи магнит майдонини ўрганиш мақсадида учирилган ускуналар Ер атрофида қуввати 4-7,5 мегаэлектронвольт бўлган энергия қатламини қайд этиди. Ушбу қатлам 2012 йилнинг сентябрь ойида пайдо бўлган ва Кўёйда рўй берган кучли портлашгача тўлиқ бир ой давомида сақланиб турган.



Япониянинг Акита префектурасида содир бўлган кучли қор бўронлари оқибатида тезорар поездининг ишдан чиқиб кетгани ҳамда ҳодиса тафсилотлари ўрганилаётгани ҳақида хабарлар тарқатилди.

Гамбия ҳукумати томонидан 2010 йилда маҳаллий полиция ва Британиянинг уюшган жиноятчиликка қарши курашиш агентлиги (SOCA) ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган операция жараёнида қўлга киритилган икки тоналдан зийд кокаин наркотик моддаси омма кўз олдига махсус печларда йўқ қилинди.

Амстердамдаги Схинхол аэропортида техник носозлик туфайли иккита самолётнинг фавқулодда қўниши муваффақиятли амалга оширилди ва ҳеч қандай нохуш вазият юз бермади, ҳақ хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.

Қонго демократик республикаси шарқда бортда экинаж аъзолари ва 40 нафар йўловчи бўлган ҳуусий САА авиакомпаниясига тегишли «Fokker 50» русумли самолётнинг қулаб тушиши оқибатида 36 нафар киши ҳалок бўлган.

«Франс Пресс» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Хитойнинг жануби-ғарбида рўй берган 5,5 баллик ер силкиниши натижасида 100га яқин уйга шикаст етган ва 20 киши жараҳатланган.

Зангиота туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2009 йилда Тастанова Мохира Химмат кизи номига берилган U 4007264 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛНАДИ.**

«Ma'rifat» — «Учитель Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходими Антонина Васильевна Галкинага онаси

**Валентина Петровна МАТЬЦИНА**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва жамоаси «Физика-математика» факультети «Физика ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

**Эгамберди УМРЗОКОВ**

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

**ҚАЙТА ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

Тендер тартиб рақами: 3-MRT -2013

Тендер номи: Дарслик ва ўқув қўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан қайта тендер савдолари.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳри 100159, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджет ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур тендер савдоларига дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш учун нашриётлар тақлиф этилади.

Тендер савдоларида янги ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва ҳоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаган, давлат реестрида рўйхатга олинганга олти ой муддатдан кам бўлмаган, шартномаларни бажармаганлиги учун судга тортилмаган, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш билан шугулланиш учун лицензияга эга бўлган ҳамда илгари вазирлик билан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлари тўла бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи буюртмачига шартномани бажариш имконияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ва мазкур ҳужжатлар тендер ҳужжатининг иккинчи бобида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда уларнинг адади қуйидаги жадвалда берилган:

Мазкур дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг бошланғич қиймати тўғрисидаги маълумотлар талабгорларга Тендер ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Тендер ҳужжатларини олиш учун талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг махсус № 23 402 000 300 100 001 010 (ХКМ Марказий банк Бош бошқармаси МФО: 00014. ИИН: 201 122 919 ш/хр 401 410 860 262 667 950 100 075 001 ИИН: 201 122 808 ОКОНХ 97300) ҳисоб рақамига 4 000 000 (тўрт миллион) сум ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт. Тўлов юқоридagi ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиши йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун қатнашчилар томонидан туланган тўлов қайтарилмайд.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ва Тендер ҳужжатларини харид этган корхона ва ташкилотлар 2013 йил 6 мартдан бошлаб ҳар кун (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача тендер савдоларига тегишли қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Дарсликлар ва ўқув методик адабийларини янги авлодини яратиш» бўлимидан (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 319-хона, телефон (+99871) 239-40-83, факс (+99871) 239-40-81) олишлари мумкин.

Тендер ҳужжатлари асосида талаб этиладиган барча ҳужжатлар тақлифнинг умумий қийматининг бир фоизидан кам бўлмаган закалат суммаси билан бирга 2013 йилнинг 13

Лот рақами	Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар номи	Таълим тили	Ёзуви	Адади
<b>4-синф</b>				
15	Ўзбек тили	рус ва қардош тилларда	лотин	78 953
<b>6-синф</b>				
21	Мусика	ўзбек	лотин	423 021
		рус	кирилл	53 034
		қорақалпоқ	лотин	10 256
		қозоқ	кирилл	6 024
		тожик	кирилл	7 909
		қирғиз	кирилл	850
	туркман	кирилл	880	

март кун соат 14:00 га қадар Республика таълим марказига топширилиши шарт. Шу вақтдан кейинча тақлифлар қабул қилинмайди. Тендер тақлифлари 2013 йил 13 март кун соат 15:00 да Республика таълим марказида (Манзил: Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси 174-уй.) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Тендер комиссияси Тендер ҳужжатининг I-боб 6-бандида белгиланган тартибда Тендер ҳужжатларига қўшимчалар киритиш орқали тақлифлар топширишнинг юқори мuddатини узайтириши мумкин. Шундай ҳолда барча қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ўзгарган мuddатта мутаносиб равишда ўзгаради.

Буюртмачи қатнашчилар томонидан тендер тақлифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.



# СЕРМАХСУЛ ОЛИМ, ЕТУК МУРАББИЙ

*Инсоннинг ҳаёт мазмуни ўз эл-юрти, миллати тақдирида нечоғлик из қолдиргани билан белгиланади. Агар бу эзгу ном илм-фан, кашф этиш салоҳияти билан мустаҳкамланса, авлодларга намуна бўларли умр китоби яратилади.*

Академик, ЎзР ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти бош илмий ходими Жалолдин Азимовнинг илмий-педагогик ва ижтимоий фаолияти ёш авлод учун ибрат мактаби бўла олади, десак янглишмаймиз.

Анджон шаҳрида таваллуд топган Ж.Азимов ўрта мактабни тугатгач, Самарқанддаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги институтида ветеринария йўналиши бўйича таълим олди. Ветеринария илмий-тадқиқот институтида ишлади. Илмий изланишлари самараси ўлароқ, 1963 йили "Ўзбекистон жанубидаги кўйлар гелиминтлари ва асосий гелиминтозлари динамикаси" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

1986 йили "Schistosomatida (Skrjabin et Schulz, 1937) Azimov, 1970 туркумога мансуб триматодаларнинг эколого-тақсонимик тавсифи ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ориентобильгаршиозининг ол-

дини олишининг биологик асослари" мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, бир йил ўтар-ўтмай, профессорлик илмий унвонига сазовор бўлди. Ўзбекистон Миллий университети, ЎзР ФА Зоология институтида ишлаган йиллари ҳам сермахсул бўлди. 1994 йили ЎзР ФА мухбир аъзоси, 2000 йилда эса ҳақиқий аъзоси этиб сайланган устоз 2012 йилдан ҳозирга қадар Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтида бош илмий ходим ва лойиҳа раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда.

Ж.Азимовнинг илмий тадқиқотлари кенг қамровли бўлиб, биологик хилма-хилликни сақлашнинг илмий асосларини яратишга бағишланган. Олимнинг бу борадаги тадқиқот натижалари жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган фундаментал кашфиётлар сирасига киради. Устоз уй ва ёввойи ҳайвонлар организмиде яшовчи паразит организмларнинг морфология-

си, биологияси ва экологиясини тадқиқ этиш асосида мазкур организмларнинг эволюцияси, филогенияси ва систематикаси бўйича дунё илм-фанида катта қизиқишга сабаб бўлган ўзига хос назарий концепцияларни ишлаб чиқиб, соҳада ўз мактабини яратди.

Академик Ж.Азимов илмий изланишлари натижасида одам ва ҳайвонлар қон томирларида паразитлик қилувчи трематодалар учун янги Schistosomatida (Skrjabin et Schulz, 1937) Azimov, 1970 туркумининг таснифий ўрни, эволюцияси ва филогениясини илмий асослаб, унга мансуб бўлган турларнинг морфологияси ва биологиясини қиёсий таҳлил этди. Домланининг шистосоматидларни ўрганиш бўйича олиб бораётган тадқиқотлари глобал аҳамиятга эга, бу муаммо БМТ қошидаги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус дастурига киритилган. Унинг назарий билимлар асосида яратган амалий ишланмалари республикамизда ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилиб, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари бош сонини сақлаб қолишда самарали восита бўлди ва иқтисодиёт ривожлани-

шига ўз ҳиссасини қўшди. Устоз ўзи ва шогирдлари билан биргаликда эришган фан ютуқлари натижаларини қатор халқро анжуманларда дунё илм аҳли эътиборига ҳавола этиб келмоқда.

Устознинг илмий раҳбарлигида паразитар касалликларга қарши мутлақо янги, рақобатдош, импорт ўрнини босадиган ва экспорт имкониятига эга бўлган биопрепаратлар яратилиб, уларни қишлоқ хўжалиги амалиётида қўллаш ҳозир юқори самара бермоқда.

Академик Ж.Азимовнинг серқирра илмий фаолияти 30 дан зиёд монография ва қўлланма, республика ҳамда хориз журналларида чоп этилган кўплаб илмий мақолаларида ўз аксини топиб, мамлакатимиз ва дунё зоолог ва паразитологлари томонидан алоҳида эътироф этилади. Олим томонидан ишлаб чиқаришга 30 дан зиёд тавсиялар берилган. Улар халқ хўжалиги, табиати муҳофаза қилиш соҳаларида юқори ижтимоий-иқтисодий самара бермоқда.

Э. ШАКАРБОВ,  
Ф.АКРАМОВА,

биология фанлари докторлари

## Ehtirom

# УСТОЗИМНИНГ ТАЖРИБАСИ

мактабда кадрларга эҳтиёж сездирмайди

Абдуллахон Саидов уста деҳқон, моҳир бог'бон эди. Ҳосили мўлғилидан узум, анору олмалари шохини кўтара олмас, етилган сабзи-шолғомлари ҳар кишининг кўзини ўйнатар эди. Бу яқин атрофда отанинг боғида, полизида унган ноз-неъматлардан баҳра олмаганлар кам топилди. Аммо асосийси, ҳалол ва меҳнаткаш бог'бон ёш авлодга таълим-тарбия улашадиган, элга ўрнак бўларли фарзанди аржумандларни тарбиялаб воёга етказди...

Болаликдан табиатга меҳри баланд кенжа ўғли Омонхон Самарқанд давлат университетининг биология факультетига таҳсил олиб, туғилиб ўсган қишлоғига қайтди. Тайлоқ туманидаги 25-мактабда биология фани ўқитувчисининг ўрни бўш қолган, муассаса жамоаси унинг қўлига диплом олиб қайтишини кутарди. Шундай қилиб, ғайратли ёш муаллим ўқувчиларга биология фанидан дарс беришга киришди, нанки киришди, балки сеvimли машғулотига бутун борлиги билан шўғиб кетди. Изланувчан, ўзига ва шогирдларига ўта талабчан Омонхон Саидов тез орада ҳамкасблари, ота-оналар эътиборини қозонди. Бугун унинг шогирдларида турли соҳаларда ишлаб, юрт қорига ярамоқда. Худудимизда қанча-қанча бе-



морлар дарлига дармон бўлаётган Комил Абдурахмонов, Асқар Умаров каби малакали шифокорлар ҳам ундан сабоқ олган.

Баъзи таълим муассасаларида айрим фанлардан мутахассислар етишмайди. Бу ҳақда ўйлаганда устознинг тажрибаси хаёлимга келаверади. Унинг шогирдлари кўпчилигини нафақат ўзи ишлаган даргоҳ, балки қўшни мактабларда ҳам биология фани ўқитувчиларига эҳтиёж сезилмайди. Машғулотларни қизиқарли ва тушунарли ўтганидан ҳар бир ўқувчи домлага ўхшашини, табиий фанлар йўналиши бўйича етук мутахассис бўлишни орзу қиларди. Жумладан, ўзим ҳам устоз сабаб биологияга

меҳр қўйганман. Домланинг худудимиздаги ноёб ўсимликлар дунёсини мавзуларга сингдириб тушунтириш тажрибасидан амалда кенг фойдаланаман. Демак, мактабда муайян фан ўқитувчисининг етишмаслиги шу фан муаллимининг билими, дарс ўтиш маҳорати ва ўқувчиларни йўналтира олишига боғлиқ экан. Ўз ишини давом эттирадиган шогирдлар етиштириш том маънода устозлик бахтидир, десам адашмайман.

Турмуш ўртоғи Санталат Асророва билан беш фарзандни камолга етказди. Улардан уч нафари педагогика йўналишини танлаб, айни пайтда мактаб ва университетларда инглиз ва рус тилидан, мутахассислик фанларидан ўқувчи талабаларга сабоқ бермоқда.

Йигирма беш йиллик тажрибага эга, нафақага чиққунга қадар 25-мактабда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари сифатида ибратли ишларни амалга оширган Омонхон Саидовнинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб, Президентимиз фармонида кўра "Шўҳрат" медали билан тақдирланди. "Халқ таълими аълоҳиси" кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Ноира НАРЗИҚУЛОВА,  
Тайлоқ туманидаги  
56-умумтаълим  
мактаби директори

"Инсоннинг безаги — донолик, доноликнинг безаги — хотиржамлик, хотиржамликнинг безаги — жасорат, жасоратнинг безаги — мулойимлик. Одамнинг туганмас бахти эса илм ва маърифат орқали ҳосил бўлади", деган эди Аҳмад Дониш. Ушбу ҳикмат педагог Насриддин Раҳмоновнинг ҳаёти ва фаолияти мисолида ўз исботини топгандек, назаримизда.

## МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ, МОҲИР РАҲБАР, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Республикамиз таълим тизимида хизмат қилётган ўқитувчилар орасида Насриддин Раҳмоновнинг издошлари, шогирдлари кўплаб топилди. У киши ўзининг қалб кўрини, куч-қувватини, ақл-заковатини, илму тафаккурини етук кадрларни тарбиялашга сарфлади.

Насриддин Раҳмонов Самарқанд давлат университетини муваффақиятли тамомлагандан буён малакали педагог, ишнинг кўзини биладиган раҳбар, меҳрибон устоз сифатида умрини халқ таълимига бағишлаб келмоқда. Тошкент вилояти Янгийул туманида педагогик фаолиятини бошлаган таълим фидойиси умр йўлдоши Саломат ая билан бирга турли мактабларда ишлади, ўқитувчиларнинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирди. Кейинчалик раҳбар лавозимларида ишлаган чоғлари мактабларда тўплаган тажрибаси жуда асқотди.

Насриддин ака сермахсул олим — ўнлаб рисолалар, юзлаб илмий мақолалар, бир неча йirik тадқиқотлар муаллифидир. Устоз ўз ҳаётини илм-маърифатга бағишлаган кўплаб ёшларнинг фан чўққиларига кўтариллиши учун елкасини тутиб берган. Академик, файласуф М.Баратов, академик, биолог А.Қосимов, педагогика фанлари доктори Ж.Йўлдошев, тарих фанлари доктори Э.Холиқов ва бошқа кўплаб таникли олимлар Н.Раҳмоновнинг шогирдлари ҳисобланади.

Зайиндин САЙФУДДИНОВ,  
меҳнат фахрийси

# СПОРТ ФЕСТИВАЛЛАРИ

## улкан ютуқларга замин ҳозирлайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Обод турмуш йили" муносабати билан 8 март — "Халқаро хотин-қизлар кунин" байрамига бағишлаб Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайри жамғармаси, "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси ҳамкорлигида ўқувчи-ёшлар ўртасида ташкил этилган "Соғлом авлод учун" кубоги мусобақалари ана шу аънанининг давоми бўлди. "Нафосат олами" шиори остида ўтказилган спорт фестивалида 300дан зиёд ўқувчи-қизлар иштирок этиб, бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, сузиш, синхрон сузиш ва гимнастрада бўйича ўз икониётларини синовдан ўтказди. Ушбу фестивалда мунтазам шуғулланадиган қизлар қатори спортга қизиқувчи ҳаваскор ёшлар ҳам қатнашди. Улар гуруҳ ва яккалик баҳсларида ўзаро куч синашди.

Республика гимнастикага ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида гимнастика йўналишидаги беллашувлар бўлиб ўтди. Бадий гимнастикачилар Мадина Эрназарова, Диёра Ҳакимова, Анжелина Фокина, Илона Тен ва София Қосимованинг чиқишлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланган бўлса, спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган қизгин баҳсларда Робия Маҳмудова, Дилдора Орипова ва Наима Нигмановадан иборат жамоа биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Гимнастрада беллашувлари ҳам мурасасиз курашларга бой бўлди. Айниқса, бир-биридан қаққон ва эпчил Сергели ва Шайхонтоҳур тумани ёшларининг иш-



тироки барчада илиқ таассурот қолдирди.

Сузиш беллашувлари эса "Саховат спорт сервис" жамиятининг ёпиқ сув ҳавзасида ўтказилди. Даставвал, ёш сузувчилар



жамоавий эстафетада куч синашди. Бу мусобақалар бизни келажакда улкан галабаларга етаклайди, — дейди Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси белгиланган масофани тезроқ босиб ўтди.

— Синхрон сузиш беллашувида 70 нафар бола қатнашапти, — дейди мусобақа ҳаками Галина Краснова. — Улар 4 гуруҳда баҳс олиб боришди. Эндигина 12-13 ёшга кирган қизларнинг

интилиши ва нафис ҳаракатлари, жозибали рақс ҳамда мураккаб машқларни бажариш жараёнидаги интилишларини кўриб, келгусида улардан маҳоратли спортчилар етишиб чиқишига ишонч ҳосил қиласиз.

— Бўш вақтимда сузиш билан мунтазам шуғулланаман, — дейди мусобақада зафар қучган Дилрабо Султонова. — Спорт инсонни нафақат чиниқтиради, балки унинг иродасини мустаҳкамлайди, олдига қўйган мақсадлари сари дадил қадам ташлашда муҳим ўрин тутати. Қад-қоматнинг тик ўсиши, руҳий тетиклик ва қатъий интизом айнан спортчиларга хосдир.

— Бу мусобақалар бизни келажакда улкан галабаларга етаклайди, — дейди Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Севара Усмонова. — Болалиқдан спортнинг сузиш турига қизиқиб, тўғарақларга қатнашганман. Эндиликда, у ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланди, ҳар кунни ўқишдан сўнг дугоналарим билан машғулотларга ошиқамиз. Энг катта орзуим келажакда Олимпиада ўйинларида қатнашиш ва муваффақиятларга эришишдир.

Мусобақа сўнгиди спортчи қизларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ёш авлодни спортга ошно қилиш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни шакллантириш мақсадидаги спорт мусобақалари ҳали кўпгаб ўтказилади ва бу спортга қизиқувчи ёшларимизнинг улкан ютуқларига замин ҳозирлайди.

**Олим ЖУМАБОВ,**  
**"Ma'rifat" мухбири**  
**Б.РИЗОКУЛОВ, В.ГРАНКИН**  
олган суратлар.



### ТЕННИС КОРТЛАРИДА

Теннис бўйича Дубай шаҳрида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда голиб ва совриндорлар номи аниқланди. Финалда дунёнинг биринчи ракеткачиси, сербиялик Новак Джокович чехиялик Томаш Бердихга қарши кортга чиқди.

Мурасасиз учрашувда тажриба ўз сўзини айтди ва Новак рақибини 7:5, 6:3 ҳисобида жуда осонлик билан енгди. Мазкур турнирда қўлга киритилган мукофот Джокович учун фаолиятидаги 36-совриндир.

Шунингдек, Делрэй-Бичда ўтган халқаро турнир голиби ҳам маълум бўлди. Унда латвиялик теннисчи Эрнест Гулбис зафар қучди. Франциялик Эдуар Роже-Васселанга қарши 1 соат 36 дақиқа давом этган матчида 7:6, 6:3 ҳисоби қайд этилди.

### ТЕЗКОРЛИК ХАТОНИ «ЮВДИ»

Биатлон бўйича Холменколленда жаҳон кубоги мусобақалари давом эттирилди. Ушбу чемпионатнинг масс-старт йўналишида чехиялик моҳир спортчи Одржей Моравецга омад кулиб боқди.



У энг сўнгги уриниш чоғида нишонни мўлжалга олишда бир маротаба хатоликка йўл қўйди. Бироқ бу ҳолат унинг олтин медалга эгалик қилиши учун тўсиқ бўлолмади.

Кумуш медал Франциялик Мартен Фуркадга насиб этди. У биринчи ва сўнгги икки уринишда нишонга аниқ ур олмади. Шу боис Мартен маррани забт этишга чехиялик рақиб натижасидан кўра, 13,7 сония кўпроқ вақт сарфлашга мажбур бўлди.

Ажабланарлиси, бронза медалига лойиқ кўрилган немис биатлончиси Эрик Лессер бир марта янглиш ўқ узган бўлса-да, суст ҳаракати туфайли ҳатто иккинчи ўринни ҳам эгаллаш олмади.

### ҚАТОРАСИГА 14 ГАПАБА

Баскетбол оламида кетма-кет зафар қучиш мушкул. Шунга қарамай, Миллий баскетбол ассоциацияси мунтазам чемпионатининг етакчи клубларидан бири «Майами Хит» қаторасига 14 учрашувдан буён галабали сериясини давом эттирмоқда.

Дам олиш кунин «Хит» ўз майдонида жиддий рақибни — «Никс»ни қабул қилди. Қарийб тенг курашлар остида кечган баҳсда 99:93 (23:22, 22:37, 28:18, 26:16) ҳисоби қайд этилди. Мазкур матчининг энг яхши ўйинчиси деб «Никс» ҳужумчиси Кармело Энтони топилди. У ўйин давомида 32 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

«Хит» клуби сафида Леброн Жеймс, Дуэйн Уэйд ва Крис Бош биргаликда 65 очко тўплади.

Айни пайтда мунтазам чемпионатнинг Шарқий конференциясида «Майами» жамоаси етакчилиги қилмоқда. Унинг ҳисобида 43 галаба ва 14 мағлубият бор. «Никс» эса 3-ўринда (35 галаба, 21 мағлубият) бормоқда.

### ЯНГИ ГОЛ СЕЗУВЧИ МОСЛАМА

Германиянинг «GoalControl GmbH» компанияси футбол ўйинларида тўп дарвоза чизигини кесиб ўтган ёки ўтмаганини ўз вақтида аниқлаб берувчи махсус мослама (GLT) яратиш учун ФИФАдан рухсатнома олган тўртинчи компания бўлди.

Мўлаҳимки, бундан аввал айнан шу масала бўйича «GoalRef», «Hawk-Eye» ва «CAIRO» ҳам ўз голяларини илгари сурганди.

GoalControl-4D тизимини яратишда 14 донга юқори тезликка эга камералардан фойдаланилмоқда. У февраль ойида Дюссельдорф ҳамда Гельзенкирхендаги бир қатор стадионларда дастлабки синовлардан ўтказилди.

Ушбу тўрт компаниянинг махсулотлари ФИФА раҳбариятига маъқул келгани боис уларнинг жорий йили ўтадиган Конфедерациялар кубоги ва 2014 йилги мундиал баҳсларида ҳакамларга бевосита ёрдам бериши кўзда тутилмоқда.



## МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

Баҳор фасли келиши билан юртимизда футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатида старт берилиши аънаанага айланган. 2 март кунин республикамизнинг энг кучли 14 жамоаси голиблик учун дастлабки қадамни ташлади.

Мусобақа дебютанти — «Гулистон» жамоаси сафарда «Қизилқум» меҳмони бўлишига қарамай, 2:0 ҳисобида зафар қучди. Ўз фаолиятини мураббий сифатида давом эттираётган Бахтиёр Ашурматов шогирдлари илк тур натижаларига кўра, етакчилардан бирига айланди.

Мухлислар яна бир шиддатли баҳсга «Пахта-

кор» марказий стадионида гувоҳ бўлишди. Осиё чемпионлар лигасидаги галабасидан руҳланган Ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» Наманганнинг «Навбахор» клубини 2:0 ҳисобида енгди.

Япониядан галаба билан қайтган «Бунёдор» мамлакат биринчилигидаги илк ўйинни ўз майдонида ўтказди. Жиззахнинг «Сўғдиёна»сига қарши кечган учрашувда 5:0 ҳисоби қайд этилди.

Қолган қарама-қаршиликларда қуйидаги натижалар кузатилди: «Нефтчи»—«Динамо» 1:0, «Металлург»—«Шўртан» 1:0, «Насав»—«Олмалик» 2:2 ва «Локомотив»—«Бухоро» 5:1.





**Китоб миллатнинг қалб ва ақл кўзини ёритувчи офтобдир!**

**ФАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ**

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)



**Сизга тақдим этилаётган ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд бўлинг!**

Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99893) 577-41-81, (+99894) 622-74-41, (+99890) 945-06-06

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz) E-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz), [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)

Манзилимиз: 100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

**Ma'rifat**

**TA'SIS ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), "Учитель Узбекистана", Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

**Gazeta**

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

ИНДЕКС: 149, 150. Г-318.

Tiraji 65148.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

"Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: [www.marifat.uz](http://www.marifat.uz)

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:  
Ma'mur AXLIDINOV,  
Liliya BINASHEVA.  
Navbatchi muharrir:  
Guluz ORIFJONOVA.  
Navbatchi:  
Jo'rabek JANGIROV.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bostmaxonasi.

Korxonada manzili:

"Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy  
Ula yuani — 21.15  
Topshirildi — 21.30